

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТ

“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

5340100- Иқтисодиёт таълим йўналиши

IV курс 37-11 гуруҳ талабаси

ҚОСИМОВ УЛУҒБЕКНИНГ

**“Электрон тўловлар соҳасида банк хизматларини такомиллаштиришнинг
асосий йўналишлари”**

(Ўзбекистон Республикаси банк тизими мисолида)

**МАВЗУСИДАГИ
БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Химоя учун қабул қилди:

“Иқтисодиёт” кафедраси мудири

и.ф.н.доцент О.Сатторкулов

«__»_____ 2015 й.

Илмий раҳбар:

“Иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси

Ғ.Бердиев

«__»_____ 2015 й.

Битирув малакавий иш Гулистон давлат университетининг 2015 йил 15 апрелдаги 137-С-сонли буйруғи билан тасдиқланган Давлат аттестация комиссиясининг ____–сонли йиғилишида муҳокама қилинди ва “ ____ ” балл билан (_____) баҳоланди.

(аъло, яхши, қониқарли)

Битирув малакавий иш “Ижтимоий-иқтисодиёт” факултетининг 2015 йил “ ____ ” _____даги ____– сонли Илмий-услубий кенгаши қарори билан Давлат аттестацияси комиссиясига ҳимоя қилиш учун тавсия етилди.

Факултет декани

А.Маматов

Битирув малакавий иш “Иқтисодиёт” кафедрасининг 2015 йил “ ____ ” _____даги ____–сонли йиғилишида муҳокама қилинди ва ҳимояга тавсия етилди.

Кафедра мудири

О.Сатторкулов

БМИ бажарувчи “5230100-Иқтисодиёт” таълим йўналиши 37-11-гуруҳ талабаси _____ У.А.Қосимов

Раҳбар “Иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси _____ Ғ.И.Бердиев

Мундарижа

	Кириш	
I-боб.	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИНИНИНГ ташкилий-иқтисодий АСОСЛАРИ	
1.1.	Ўзбекистон Республикасида электрон тўлов тизимининг ташкилий-иқтисодий ва ҳукукий асослари	
1.2.	Электрон тўлов тизимлари ва унинг иқтисодий моҳияти	
1.3.	Республикада электрон тўловларни амалга оширишнинг жараёни ва унинг хусусиятлари	
II-боб.	ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВЛАР СОҲАСИДА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	
2.1.	Мамлакатимизда банк тизимининг молиявий кўрсаткичлари таҳлили	
2.2.	Ўзбекистон республикасида электрон тўлов тизимининг ҳозирги ҳолати ва унинг ривожланиш босқичлари	
2.3.	Электрон тўловлар соҳасида банк хизматларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари	
	Хулоса ва таклифлар	
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Барчамизга маълум, жаҳоннинг йирик давлатларида, қолаверса, жаҳон молия бозорларда юз берган молиявий инқироз аксарият ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига сезиларли равишда салбий таъсир кўрсатди. Қатор кредит ташкилотлари банкротликка учради, кўплари эса банкротлик ёқасига келиб қолди, айрим мамлакатлар турғун иқтисодий барқарорликни тиклаш ҳамон жуда оғир кечмоқда.

Шунга қарамай, мамлакатимизда ўтган 2014 йили банк тизимини ривожлантириш ва ислоҳ этиш масаласи ҳам эътиборимиз марказида бўлди. Жумладан, тижорат банкларининг капиталлашувини ошириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида 2014 йил якуни бўйича банк тизимида капиталнинг етарлилик даражаси 23,8 фоизни ташкил этди. Бу эса, банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро меъёрдан деярли 3 баробар юқоридир.

Банк тизими барқарорлигининг яна бир муҳим кўрсаткичи ҳисобланган ликвидлик даражаси 2014 йил якуни бўйича 64,6 фоизни ёки талаб этиладиган минимал даражадан 2 баробардан ортиқни ташкил этди.

Банклар томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш индикаторлари бўйича, яъни ҳар 100 минг (катта ёшли) аҳолига тўғри келадиган банк муассасалари сони 49,7 тани (30 тадан кўпи «юқори» кўрсаткич ҳисобланади) ташкил этади ҳамда мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида пешқадам бўлиб турибди.¹

Энг аввало таъкидлаш жоизки, жаҳон молиявий инқироzi кўпгина мамлакатлар банк-молия тизимидаги ликвидлиликни издан чиқарди. Молия институтлари йирик миқдордаги маблағларни ўз зарарларига олиб бориб, ҳисобдан чиқаришга мажбур бўлди. Табиийки, мазкур ҳолат уларга берилган рейтинг баҳоларини бир неча поғонага пасайтирилишига олиб келди. Шу

¹ “2014 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари” Ўзбекистон марказий банки йиллик ҳисоботи, 2015 йил, www.cbu.uz

боисдан, жаҳон иқтисодиётида юз берган молиявий инқироз сабабларини чуқур таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон банк тизими самарадорлигини ҳолисона баҳолаш танланган мавзу доирасида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун асос яратади ҳамда тадқиқот мавзуси долзарблигини белгилаб беради.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Электрон тўловлар соҳасида банк хизматларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар хорижлик олимлар - Александрова Н.Г., Алексеева В.И., Балабанова И.Т., Вешкин Ю.Г., Воронцова В.П., Иванов А.Н. ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритилган. Ўзбекистон банк тизимида олиб борилаётган изчил ва мақсадли ислохотлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари Абдуллаева Ш.З., Ғуломов С.С., Ф.М.Муллажонов, Г.Н.Шербековнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Ишнинг мақсади иқтисодиётининг ҳозирги ривожланиш босқичида Электрон тўловлар соҳасида банк хизматларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини асослаш ҳамда ривожлантириш билан боғлиқ илмий тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат. Белгилаган мақсадга эришиш учун қуйидаги асосий вазифалар белгилаб олинди:

- Ўзбекистон Республикасида электрон тўлов тизимининг назарий асосларини очиб бериш;
- банкларнинг электрон тўлов қобилиятининг иқтисодий категория сифатида моҳиятини аниқлаштириш ва унинг иқтисодиёт субъектига хос хусусиятларини очиб бериш;
- тўловларнинг нақд ва нақдсиз шакли каби иқтисодий категория ва тушунчалар ўртасидаги фарқлар назарий ва амалий томондан асослаш;
- банклар тўлов қобилиятининг мустаҳкамлигини белгиловчи асосий омилларни ҳисоблаш ва банклар капиталининг етарлилигига қўйилган талабларнинг бажарилишини ифодаловчи кўрсаткичларни назарий асослаш ҳамда илмий жиҳатдан такомиллашган таърифларини ишлаб чиқиш;

- банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш сифатида банк миқозларини фаоллашувдаги аҳамиятини кўрсатиш;

- пластик карточкалар инфратузилмасини кенгайтириш ҳисобига муомаладаги нақд пулларни камайтириш сиёсати, банкнинг таркибий бўғинларида вужудга келадиган молиявий қийинчиликларни ифодаловчи иқтисодий омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

- тижорат банкларининг тўлов қобилиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш;

- савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги тўловларнинг электрон ҳамёнлар ёрдамида амалга оширилишини мониторинг ва назорат қилиб боришни тартибга солиш ва уларда банк хизматларини такомиллаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистондаги тижорат банклари ва уларнинг фаолият қилиш жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида Ўзбекистондаги тижорат банклари ва уларнинг электрон тўлов қобилияти билан боғлиқ иқтисодий муносабатларидир.

Тадқиқотнинг методи сифатида илмий абстракция, қиёсий таҳлил, статистик таққослаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция ҳамда норматив ва позитив каби усуллардан фойдаланилди. Битирув малакавий ишда қўйилган муаммоларни асослашда Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган Қонунлар, ҳукумат қарорлари, фармонлар ва фармойишларга таянилди. Битирув малакавий ишда иқтисодчи олимларнинг банкларнинг электрон тўлов қобилияти ва ликвидлигига қаратилган илмий изланишлари натижалари, банк тизиминини барқарор ривожлантиришга қаратилган илмий конференция материалларида баён қилинган фикрлардан фойдаланилди. Битирув малакавий ишдаги амалий таклиф ва тавсиялар давлат статистикаси маълумотлари, мавзуга тегишли айрим илмий журналларнинг банк тизимида оид маълумотларига асосланади.

Битирув малакавий ишнинг илмий ва амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишда асосланган назарий фикрлар ва қонун-қоидалар банкларнинг ликвидлигини таъминлаш ҳамда тўлов қобилиятини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар йўналишини белгилашда ҳамда шу йўналишда илмий тадқиқот ишлари учун манбалар сифатида фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иш таркиби кириш, 2та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат.

Битирув малакавий иш ___ бет бўлиб, унда ___ та жадвал, ___ та диаграмма ва ___ та чизма ўз аксини топган.

I-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИНИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Электрон тўлов тизимининг жорий этилиши ва унинг иқтисодий моҳияти

Халқаро банк амалиётидан маълумки бозор иқтисодиётига муваффақиятли ўтиш, мазкур шароитда фаолият юритадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг талабларига жавоб берувчи самарали фаолият кўрсатадиган банк тизимида замонавий нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини йўлга қўйиш билангина амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, самарали йўлга қўйилган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими, бевосита молия-валюта ва қимматли қрғозлар бозорларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Аввал мавжуд бўлган режали иқтисодиётга мослаштирилган ҳисоб-китоблар тизимида хўжалик субъектлари ўртасидаги ҳисоб-китоблар Москвадан туриб тартибга солинадиган банклараро ҳисоб-китоблар (МФО) механизми билан амалга оширилар эди. Ушбу тизим бозор шароитининг янги талабларига жавоб бера олмас эди. Чунки собиқ Иттифоқ ҳудудида фаолият юритган хўжалик субъектлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқаларнинг узилганлиги, иккинчи тарафдан эса банкларнинг вакиллик ҳисобварағи орқали ҳисоб-китоб қилиш тартибига ўтганлиги сабабли, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро қарзлар ҳажми ошиб кетди. Инфляция даражаси шиддат билан ўса бошлади ва корхоналар ўртасидаги ўзаро мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китобларни кечикиши каби бир қатор салбий ҳолатлар билан тўқнашишга тўғри келди.

Шунингдек, Республика банк тизимининг Халқаро банк-молия тизимига чиқиши, улар билан вакиллик алоқаларини ўрнатиш, мустақил давлатимиз учун иқтисодиёт тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш каби эҳтиёжлар, тўлов тизими ҳамда банк тизимининг бухгалтерия соҳасида зудлик билан ислохотлар амалга ошириш заруратини келтириб чиқарди.

Бундан ташқари, банклар фаолиятида бажариладиган операциялар нафақат сифат жиҳатдан, балки сон жиҳатдан ҳам кескин кўпайиб бориши банкларда бухгалтерия операцияларини ўз вақтида амалга ошириш, балансда акс эттириш ва кунлик, ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботларни ўрнатилган муддатларда тузиш учун бухгалтерия ҳисобини юқори техно-логияларга асосланган автоматлаштирилган тизим асосида жорий этиш лозим деб топилди.

Мамлакат ҳисоб-китоблар тизимини қайта ислоҳ қилишда асосий диққат-эътибор электрон тўлов тизимини ташкил этиш, банкларда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва бухгалтерия амалларини компьютер техникаси ва дастурий воситалар орқали амалга оширишни ташкил қилишга қаратилди.

Шунинг учун, 1994 йил 1 январдан бухгалтерия амалларини компьютерларда бажариш ва шу асосда электрон тўлов тизимини жорий этиш учун керакли компьютер техникаси ва технологиялари сотиб олиш жараёни бошланди. Жумладан, Марказий банк тизимидаги барча мавжуд компьютерлар Марказий банкнинг вилоятлардаги ҳудудий ахборотлаштириш марказларига берилиб, тўлов тизимини ривожлантиришнинг янги босқичига пойдевор қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини такомиллаштириш ва пул-кредит алоқаларини барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1994 йил 18 мартдаги 146-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарор ижросини таъминлаш мақсадида, Марказий банк томонидан тижорат банклари билан биргаликда Республика банк тизимини компьютерлаштириш концепцияси ишлаб чиқилди ва ташкилий тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, мазкур Қарорга асосан банк тизимида электрон тўлов тизими жорий қилиниши учун харид қилинадиган техникага катта маблағ сарф қилиниши инобатга олиниб, олдинги бобларда таъкидланганидек, республика ҳудудидаги барча банклар 1994-1997 йилларда солиқнинг айрим турларидан озод қилинди. Бу қарор банкларда ахборот тизимларини тадбиқ қилишнинг асосий омили бўлди.

Ушбу қарорга асосан, солиқдан озод қилинган маблағнинг 50 фоизи банкларни ривожлантириш учун моддий техника базасини мустаҳкамлашга ва қолган 50 фоизи Ўзбекистон банклар ассоциациясига ажратилди.

Банклар ихтиёрида колдирилган маблағлар бутун банк тизимини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлашга ва янги барча қулайликларга эга бўлган банк бинолари қурилишига сарфланди.

Шу муносабат билан, Марказий банк раҳбарияти ва бошқаруви томонидан банк тизимида, хусусан, бухгалтерия, молиявий ҳисоботлар ва банклараро тўлов тизимида туб ўзгаришларни амалга ошириш бўйича 1994 йил 6 майда тегишли қарор қабул қилиниб, янги технологияга асосланган электрон тўловлар тизимини ташкил этиш концепцияси ишлаб чиқилди. Ушбу концепцияда қуйидаги масалалар қайд қилинди:

- банкларда қўлда юритилган бухгалтерия ҳисобини компьютер техникалари ёрдамида автоматлаштирилган тизимга ўтказиш;
- ҳар бир банк муассасасида локал ҳисоблаш тармоғини ташкил этиш;
- республика миқёсида маълумотларни қисқа муддатда узатилишини таъминлайдиган банк телекоммуникация тармоғини ташкил этиш;
- электрон тўловлар тизимининг дастурий мажмуасини яратиш учун техник топшириқ ишлаб чиқиш;
- бутун республика банк тизимини компьютерлаштириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашни ташкил этиш;
- Марказий банк ҳисоблаш марказининг функцияларини кўриб чиққан ҳолда, Ахборотлаштириш бош марказига (АБМ) айлантириш ва унинг филиалларини барча вилоят марказларида ташкил этиш.

Шундай қилиб, тижорат банкларида ва Марказий банкда ҳисоб-китобларни юритиш ҳамда техника билан таъминлан-ганлик ҳолатидан келиб чикиб, электрон тўловлар тизимини яратишни босқичма-босқич амалга оширишга дойр тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Бу ўз навбатида, банклараро тўловларни амалга оширишни белгиловчи меъёрий ҳужжатларни қам қайта кўриб чиқишни тақозо этар эди.

Шу мувносабат билан, 1995 йил 19 августда Марказий банк Бошқаруви томонидан тўловларни автоматлаштирилган шаклда узатишни тартибга солувчи янги меъёрий ҳужжат «Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўловлар тизими бўйича ҳисоб-китоблар юритиш тўғрисида»ги Низом қабул қилинди.

Ушбу меъёрий ҳужжатга асосан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг, жумладан, тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, аккредитивга ариза, инкассо топшириқномаси, тижорат банкнинг ҳисоб-китоб чеки ва мемореал ордерларнинг электрон шакли яратилди.

Марказий банк ва тижорат банклари олдида турган асосий вазифалардан бири яратилган тўлов тизимини мустаҳкамлаш ва унинг хавфсизлигини таъминлашдан иборат эди.

Мазкур вазифани бажариш учун Жаҳон банки томонидан ажратилган кредит ҳисобига компьютер, телекоммуникация жиҳозлари ва дастурий таъминот сотиб олиш учун 1995 йил 7 августда халқаро тендер эълон қилиниб, унда ғолиб чиққан «SIEMENS» (Германия) компанияси билан 1996 йил 25 мартда шартнома тузди. Шартномага кўра, маълумотларни узатишнинг X.25 протоколига асосланган пакетли коммутация алоқа тармоғи яратилди. Бу тармоқ банк маълумотларини узатиш учун мўлжалланган ягона тармоқ бўлиб, барча вилоят ва туманлардаги банк бўлимлари ушбу алоқа тармоғи орқали иш бошлади. Бу тадбир 1995 йил сентябрь ойидан бошланиб, электрон тўлов тизими Тошкент шаҳри банкларида пилот лойиҳа сифатида тадбиқ этила бошланди ва октябрь ойидан 1996 йил март ойига келиб республиканинг барча вилоятларида Марказий банкнинг клиринг марказлари базасида Ҳисоб-китоблар маркази ташкил этилди ҳамда тижорат банкларнинг 600 дан ортиқ филиаллари тўлиқ электрон тўлов тизимига уланди. Етти ой давомида бутун банк тизими электрон тўлов тизимига уланди. Бунчалик қисқа вақт мобайнида банк тизимини қамраб олган электрон тўлов тизимининг яратилиши чет эллик мутахассисларнинг фикрича, ҳеч бир давлатда давлат миқёсида амалга оширилмаган. Бу ҳолдаги

электрон тўловларни ўтиш жараёни қуйидаги чизмада келтирилган. (1.1.-чизма)



1.1.-чизма. Электрон тўловларни ўтиш жараёни

Шу билан бир қаторда, Марказий банкда ишлатиладиган «ORACLE» маълумотлар базасининг бошқариш тизими асосида дастурий мажмуалар ишлаб чиқилди ва жорий қилинди. Натижада ҳудудлараро тўловларнинг ўтиш муддати 15 минутгача, ҳудуд ичидаги тўловларнинг ўтиш муддати эса 5 минутгача қисқарди. Электрон тўлов тизимининг жорий қилиниши натижасида:

- биринчидан, Республика бўйича тўловларнинг ўтиш муддатини олдинги 4-9 кун ўрнига - бир неча дақиқаларда амалга оширишга эришилди;
- иккинчидан, кредит ва дебет авизоларни қўллаш, почта тармоғи орқали қоғоз ҳужжатларни жўнатиш ва энг асо-сийси уларни калбакилаштириш, кечикиб бориш каби камчиликларнинг олди олинди;
- учинчидан, хўжалик юритувчи субъектларининг фаолиятига ижобий таъсир этди, муомаладаги пул маблағининг айланиш тезлигини ошганлиги натижасида маблағ танқислиги камайди ва хўжалик субъектларининг мамлакат иқтисоди ривожланишига қўшадиган ҳиссаси салмоқли даражада орта бошлади;

-тўртинчадан, банкларга вақтинча бўш турган маблағлардан самарали фойдаланиш, кредит ҳамда ликвидлилик ҳавф-хатарини тезкорликда бошқариш имконини берди.

Иқтисодиётга янги технологияларни татбиқ этиш Президентимиз назаридан четда қолмади ва бу борада 1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сес-сиясида сўзлаган нутқида «Иқтисодиёт фақат унинг фондларини янгилаб турганида, янги технологиялар жорий этилганида, янги қувватлар ишга туширилганда ривожланиши мумкин. Бу - исбот-талаб қилмайдиган ҳақиқатдир»², деб ўз фикрини билдирди. Шунингдек, 1996 йил 25 июлда И. Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган нутқида «Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар янги қурилишлар ҳисобига эмас, асосан, мавжуд ишлаб чиқаришни янгилаш ҳисобига амалга оширилади. Бу - аён ҳақиқат. Бугунги кунда технологияларни янгиламай туриб, техник жиҳатдан қайта қуроолланмай туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди»³ деган эди.

Банк соҳасида электрон тўлов тизими жорий қилиниши билан уни такомиллаштириш ишлари тўхтаб қолмади. Шу даврда банк тизимида амалда бўлган бухгалтерия ҳисоби режаси марказ-лаштирилган тизимга асосланган иқтисодиёт талабларини ўз негизида акс эттирганлиги сабабли, банк ҳисоби ва ҳисоботларини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш мақсадида республика банк тизимида, хусусан бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича ислоҳотлар олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 январь 37-сонли Қарорига асосан «Ўзбекистон Республикаси банк тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит ислоҳоти» учун Жаҳон банки томонидан ажратилган маблағи ҳисобига «Артур Андерсен ЛЛП» консалтинг компанияси билан Марказий банк учун алоҳида ва тижорат банклари учун алоҳида ҳисобварақлар режалари ишлаб чиқилди.

² Каримов И.А. Бунёдкорлик - фаровон ҳаёт асоси. Т.: «Ўзбекистон», 1995, 23-бет.

³ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби, Т.: «Ўзбекистон», 1997, 85-бет.

Банк мижозлари яхлит маълумотлар базасининг ташкил эти-лиши банкларга ўз мижозларининг ҳисобварақлари тўғрисида зарурий маълумотларни зудлик билан олиш имкониятларини берди, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини оширди, солиқ идораларини бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китобларни назорат қилишлари учун тўлиқ маълумотлар билан таъминланди.

Банк тизимида амалга оширилган янги комплекс дастурнинг ва электрон тўлов тизимининг жорий қилиниши нафакат банкларнинг, балки бутун Республика иқтисодиётининг ривожланишга ўз ҳиссасини кўшиб келмоқда.

Электрон тўлов тизимини ташкил этиш, нафақат унинг технологияларини такомиллаштиришни, балки доимий равишда янги назарий услубларни яратишни талаб этади. Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичларида республика банклари ва бошқа ташкилот-лар лсаҳон талфибасини ўрганган ҳолда, жаҳон ҳамлсамиятига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириш мақсадида ўз ишларида энг янги технологияларни қўлламоқда ва тадбик этмоқдалар (янги ахбо-рот-телекоммуникация технологиялари, янги банк хизматлари, халқаро стандартлар ва меъёрлар шулар жумласидандир).

Ўзбекистонда 1998 йилдан бошлаб ривожланган мамлакатлар билан бир қаторда янги «Банк-Мижоз» дастури амалда тадбиқ қилинди. Мазкур тизим фаолиятини тартибга со-лиш мақсадида «Ҳисоб-китобларни «Банк-мижоз» дастурий мажмуаси орқали амалга ошириш тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 497, 1998 йил 8 октябрь) ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Бу эса миллий тўлов тизимини янги техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда, банк мижозларига ўз иш жойларидан туриб, компьютер ва электрон алоқа тизими орқали тўловларни амалга ошириш имкониятини яратди.

Мазкур тизимни тадбиқ қилинишининг иқтисодий самараси иқтисодиётда пул ва товар айланмаларини тезлаштириш, ўзаро мажбуриятларни ўз вақтида бажарилишини таъминлайдиган имконни яратди.

Тўлов тизими такомиллаштирилиши билан бир каторда республикамизда «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлар қабул қилингандан кейин мамлакатимизнинг ўзига хос шарт-шароитларини инобатга олган ҳолда тўлов тизими фаолиятига дойр қонунчилик базасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилга бошланди.

Бундан ташқари, 2003 йил 11 декабрда «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Электрон тижорат тўғрисида»ги ва 2004 йил 24 апрелда «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги ҳамда 2005 йил 16 декабрда «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди.

Банк телекоммуникация тармоғидан (БТТ) янада самарали фойдаланиш ҳамда тармоқ миқозларига кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқилган рақамли тармоқни туман марказларигача ривожлантириш лойиҳаси устида иш олиб борилиб, 2009 йилда мазкур ишлар тўлиқ таъминланди.

Шундай қилиб, ўтган қисқа вақт давомида мамлакатимизда замонавий электрон тўлов тизими ташкил қилинди ва улар фаолиятини тартибга солувчи қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ҳамда банкларнинг рақобат қилиш имконияти яратилди.

1.2. Республикамизда электрон тўловларни амалга оширишнинг ташкилий иқтисодий ва меъёрий-ҳуқуқий асослари

Ҳозирги кунда электрон тўловларнинг энг асосий тамойилларидан бири шундаки, тўловларнинг барча тури электрон йўл билан амалга оширилаётганлиги учунгина, унинг қонунийлиги ва ҳақиқатан ҳам мавжудлигини шубҳа остига қўйишга ҳақли эмаслар. Тамойилнинг амалга оширилиши ҳар доим ҳам кафолатланмайди, шунинг учун ҳам баъзи юридик қийинчиликлар вужудга келади. Кўпгина мамлакатларда фақатгина икки томоннинг шахсий имзолари қўйилган шартномаларгина тан олингани учун, бундай ҳолатларда шартнома юридик кучга эга бўлмайди. Шунинг учун электрон тўловлар қонуний тўсиқларни ошиб ўтишга қурби етмайди.

Электрон тўловларни ривожлантиришга бизнинг мамлакатимизда ҳам кенг эътибор берилаяпти. 2004 йил 29 апрелдаги «Электрон тўлов ва электрон тижорат тўғрисида»ги Қонун бунинг яққол далилидир. Бу қонун 14 моддадан иборат бўлиб республикада электрон тўловларни ташкил қилиш ва уни ривожлантириш масалаларига қаратилган.

Юқорида айтиб ўтилган қонуний тўсиқларни ошиб ўтишда ёрдам бериш мақсадида халқаро савдо (Юнистрол) ҳуқуқи бўйича ООН комиссияси, 1996 йилда “Электрон тўлов ва электрон тижорат” тўғрисида қонун қабул қилди. Бу қонун ўзида шартномаларнинг юридик кучи билан боғлиқ бўлган, шартнома оригинали ва нусхалари билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш моделини акс этади. Қонунда кўрилган, берилганларнинг электрон алмашувининг ҳуқуқий режими функционал эквивалент номли тамойилга асосланади. Давлат қонунчилигига бу қонуннинг жорий этилиши, томонларнинг электрон алмашуви воситасини танлаганида, улар учун ҳуқуқий муҳитни яратиши кўзда тутилади. Бу қонун қабул қилингандан кейин электрон тўлов жараёнларини олдиндан айтиб беришни осонлаштирувчи ва шу билан бирга электрон тўловнинг бутун дунёда ривожланишига туртки бўладиган меъёр ва қоидалар устидаги иш

олиб бориш юзасидан розилликка эришилган. Бундай қонунлар орасида электрон рақамли имзонинг муносабатини йўлга соладиган ҳолатлар санаб ўтилган. Бу соҳанинг бунчалик долзарб бўлишига, Интернет ва бошқа тармоқлар орқали қўлланадиган шартномалар сонининг тез ўсиши сабаб бўлган. Электрон имзога бўлган ишонч, шартномаларни қабул қилишига бўлган асосий шарт бўлиб ҳисобланади.

Электрон тижорат ва электрон тўловларнинг давлат чегараси мавжуд эмас ва унинг ёрдамида реализация қилинадиган товар ва хизматларнинг турфалиги шунчалик хилма-хилки, баъзида истеъмолчи уларнинг халқаро меъёр ва қоидаларга тўғри келиш - келмаслигига иккиланади. Ишлаб чиқарувчилар ёки етказиб берувчилар ўзларининг маҳсулотларини алоҳида чет эл стандартига декларация қиладилар, табиий ҳол, бу ҳақдаги ахборот миқдорда бўлмайди. Бунинг натижасида, масалан, Интернетда, соғлиққа зарар етказиши мумкин бўлган ёки қўшни асбоб - ускуналарга зарар етказадиган электромагнит тўлқинли қурилмаларни қўлга киритиш мумкин. Истеъмолчини сифатсиз маҳсулотдан ҳимоя қилиш мақсадида сертификатлаштириш ва лицензиялаш давлат даражасида туради.

Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил қилиш" тўғрисидаги 1992 йил 2 мартдаги 93-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Ўзбекистон давлат маркази, кейинчалик (Ўзстандарт агентлиги) - стандартлаштириш бўйича Миллий идора ҳисобланади.

Ўзстандарт агентлигининг илмий-услубий маркази этиб Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва маҳсулот сифатини бошқариш соҳаларидаги тадқиқот ва мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти - ҳозирда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти тайинланган.

Сертификатлаштириш миллий идораси қуйидаги асосий йўналишлар бўйича ўз фаолиятини амалга оширмоқда:

- Республикада сертификатлаштиришни қўллаш ва такомиллаштиришнинг умумий сиёсатини ишлаб чиқиш, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тегишли давлат идоралари билан алоқаларни ўрнатиш;
- сертификатлаштириш масалалари бўйича бошқа мамлакат ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари билан, ўзаро келишилган асосда алоқаларни ўрнатиш, керак бўлса, бу ташкилотлар фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қатнашишини таъминлаш;
- сертификатлаштиришда ягона қоида ва иш тартибларини белгилаш, буларга риоя қилишнинг назорати, сертификатлаштириш натижалари бўйича ҳужжатларни ахборотли маълумот билан таъминлаш.

Сертификатлаштириш - керакли ишончлилик билан маҳсулотнинг муайян стандартга ёки техникавий ҳужжатга мувофиқлигини тасдиқлайдиган фаолият тушунилади.

Мутаносиблик сертификати - мавжуд талабларга жавоб берадиган хизматнинг берилган сертификати, сертификатлаштириш тизими қоидаларига кўра мос қилишни кўрсатувчи ҳужжат.

"Сертификатлаштириш" тушунчаси биринчи марта Халқаро стандартлаштириш ташкилоти Кенгашининг сертификатлаштириш масалалари бўйича махсус қўмитаси томонидан ишлаб чиқилиб, унинг "Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва синов лабораторияларининг аккредитлаш соҳаларидаги асосий атамалари ва уларнинг қоидалари" қўлланмасига киргазилган.

Сертификатлаштириш жараёнини тушуниш учун қуйидаги терминларни билиш зарурдир. (1.2.1-расм.)

Сертификатлаштириш тизими - мувофиқликнинг сертификатлаштириш фаолиятини утказиш учун иш тартиби қоидаларига ва бошқаришига эга бўлган тизимдир;

Сертификатлаштириш бўйича орган - мутаносиблик сертификатлаштиришини олиб боровчи орган. Бу орган ўзи синовлар олиб бориши ёки бошқа органларнинг топшириги билан шу фаолият устидан кузатув олиб бориши мумкин;

Аккредитлаш - маълум бир соҳада олиб борилиши мумкин бўлган синовларни тан оладиган, РФ қонунчилиги асосида амалга ошириладиган расмий жараён;

Мутаносиблик белгиси - берилган маҳсулот, жараён ёки хизматнинг маълум бир аниқ стандарт ёки бошқа бир меъёрий ҳужжатга мос келишини таъминловчи ва сертификатлаштириш тизими қоидаларига мос ҳолда берилган химоя қилинган белги;

Техник шароитлар - маҳсулот ва хизматни қониктирадиган, техник талабларни ўрнатадиган ҳужжат. Техник шароит стандарт, стандартнинг бир қисми ёки алоҳида ҳужжат бўлиши мумкин.

1.2-қизма. Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва синов лабораторияларининг аккредитлаш соҳаларидаги асосий атамалари

Шундай қилиб, сертификатлаштиришнинг асоси бу стандартизациянинг натижасидир. Маҳсулот сертификатлаштиришнинг меъёрий базасига 3 гуруҳ меъёрий ҳужжатлар киритилади:

1. сертификатлаштириш пайтида тасдиқланадиган объектларнинг тавсифлари ўрнатиладиган ҳужжатлар;
2. сертификатлаштириш объектлари тавсифларини баҳолаш синовлари усуллари ҳужжатлари;
3. сертификатлаштириш жараёнларини регламентловчи ҳужжатлар.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, мутаносиблик сертификатини ва рақамли сертификатлар технологиялари ёрдамида битим қатнашчиларининг ишончли эканлигини текширувчи электрон тўлов дунёсида қабул қилинган усулни адаштириш керак эмас, улар умуман ҳар хил тушунчалардир.

Лицензиялаш жараёнининг сертификациялаш жараёнидан фарқи қўлланилиш бўйича маълум категорияларнинг мавжудлигидадир. Лицензиялаш жараёнида "фаолият" (фаолият тури ёки йўналиш тушунилади) ва "субъект" жисмоний шахс, корхона, ташкилот ёки бошқа юридик шахс

каби категориялар қўлланилади. Амалдаги Ўзбекистон Республикаси конунчилигига кўра, лицензия бериш ваколатини олган органлар рухсати, яъни лицензия асосида алоҳида фаолият турлари билан корхоналар, ташкилотлар ва ташкилий - ҳуқуқий шаклидан қатъи назар муассасалар ва юридик таълимотсиз бўлган, тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган жисмоний шахслар шуғулланадилар.

Электрон тўловларни олиб боришда ваколатли орган сифатида давлат шундай намоён бўладик, дастурий - аппарат воситаларини ишлатишда ва унинг фуқароларнинг шахсий сирларига, тижорат сирларига тааллуқли ахборотларда давлат ҳавфсизлик чораларини кўради.

Ахборот таъминоти бўйича хизматларни лицензиялаш, етишиш даражаси категориялари ва ахборотнинг ҳуқуқий статусига боғлиқ бўлади. Маълумки, агар ахборот шу ахборот эгаси ёки нодавлат ташкилоти, томонидан этилаётган бўлса, у ҳолда лицензия талаб этилади. Бу масалан, электрон тўловни амалга ошириш учун мониторинг фаолиятига тааллуқли бўлиши мумкин. Фуқароларнинг шахсий ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш ва тақдим этиш, шу фаолиятни амалга ошираётган шахснинг ҳуқуқий статусида кўзда тутилмаган бўлса, лицензия талаб этилади. Электрон тўловни юритишда миждозлар ахборот базасини яратишда ахборот йиғиш қоидаларига қатъиян амал қилиш муҳим тамойил бўлиб ҳисобланади. Соҳавий таҳлил электрон тўловни ахборот ҳавфсизлиги фаолияти ва ҳалқаро ахборот алмашинувида лицензиялаш ишлари бўйича йўналишлар ажратиб беришга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сон Фармонида кўра Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги этиб қайта ташкил этилган ҳамда унга бошқа вазифалар орасида қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклатилган:

- почта алоқаси тизими фаолиятини бошқариш, телекоммуникациялар ва ахборот узатиш тармоқларини ривожлантиришни давлат томонидан бошқариш, ушбу соҳаларда рақобат муҳитини вужудга келтириш, тегишли фаолият турларини лицензиялаш;

- ахборот тизимлари, телекоммуникациялар ва маълумот узатиш тармоқларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришга хорижий инвестицияларни жалб этиш учун шароит яратиш;

- замонавий халқаро стандартларни жорий этиш, телекоммуникация ва ахборот технологияларига оид маҳаллий стандартларни, техник шартлар ва талабларни ишлаб чиқиб, уларни тасдиқлаш;

- ахборот ресурслари бозорини ривожлантириш, давлат бошқаруви, бизнес, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим соҳаларида, шунингдек, жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида ахборот алмашинувининг электрон шаклларида ўтиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил қилиш.

Шундай қилиб, лицензияни халқаро ахборот алмашинувида расмийлаштиришда фақатгина лицензиялар, яъни лицензияни берувчи орган, лицензет, яъни лицензияни олувчи органга тегишли бўлиб қолмай, давлат ахборот ресурсларининг эгаси сифатида мужассамланувчи мулкдор ҳам киради. Демак, юридик таълимга эга бўлмаган жисмоний шахсни лицензиорлар қаторига, халқаро ахборот алмашиниш лицензиялари сафига киритиш, давлат ҳокимияти органлари билан олдиндан келишишни талаб этади.

1.3. Электрон тўлов имкониятларидан самарали фойдаланишда замонавий ахборот технологияларнинг ўрни

Барчамизга яхши маълумки, бугунги кунда иқтисодиёт тармоқларига замонавий ахборот технологиялари кенг жорий этилмоқда. Айниқса, электрон тўлов ва электрон тижорат имкониятларидан самарали фойдаланиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, аҳолига қулай ва сифатли хизмат кўрсатиш омилига айланмоқда. Ўз навбатида, бундай янгиланиш жараёнлари соғлом рақобат муҳитини мустаҳкамлаш, юқори ва барқарор иқтисодий натижаларга эришиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, маҳсулот ва хизматларни жаҳон бозорига олиб чиқиш асосида мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришда катта аҳамият касб этаётир.

Ўзбекистонда электрон тўловлар ва электрон тижорат тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, тижорат фаолияти ҳамда тадбиркорликда улардан фойдаланишни янада рағбатлантириш, интернет тизими орқали коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилишни йўлга қўйиш, маҳаллий товарлар ва хизматларни ташқи бозорда реализация қилишда электрон тижорат инфратузилмасини шакллантириш масалалари долзарб бўлиб бормоқда.

Ўтган йиллар давомида иқтисодиётимиз тармоқларига илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилишга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий база яратилди. Ушбу ҳуқуқий асослар изчил такомиллаштириб борилмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислохотларнинг мантикий давомидир.

Миллий иқтисодиётимизга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг татбиқ этилишининг янги босқичи ва истиқболлари хусусида мулоҳазалар билдирилди. Чунончи, ҳозир мамлакатимиз банк-

молия муассасалари интернет тармоғи ва мобиль алоқа воситалари ёрдамида ўз миждозларига масофадан туриб электрон тўловлар, “СМС-банкнинг”, “Мобиль-банкнинг” каби интерактив банк хизматларини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда ахборот технологиялари соҳаси субъектлари томонидан электрон тўловлар ва электрон тижоратни амалга оширишни автоматлаштириш имконини берувчи хилма-хил технологик ечимлар таклиф этилмоқда. Масалан, интернетнинг “uz” доменида Интернет-дўконлар сони муттасил ортиб бораётганини кўриш мумкин. Улар фойдаланувчиларга масофадан туриб, муайян вақт режимида бир қатор хизматларни тақдим этиб келаётир. Биринчи навбатда, бу коммунал, мобиль алоқа ва бошқа тўловларни тезкор электрон сервис орқали ҳисоб-китоб қилишни осонлаштираяпти.

Истеъмолчиларга электр энергияси, табиий газ, сув ва бошқа коммунал хизматларни кўрсатишда автоматлаштирилган ахборот тизимларини татбиқ этиш, тўловлар ҳисобини юритиш мақсадида соҳа корхона ва ташкилотларига биллинг тизимларини жорий қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Маҳаллий маҳсулотларнинг электрон кўргазмасини ташкил қилиш, соҳада консултациялар беришга ихтисослаштирилган махсус веб-портални ишга тушириш, давлат органларининг бошқарув функцияларини автоматлаштириш мақсадида максимал равишда ахборот тизимлари жорий этиш ҳамда улардан самарали фойдаланилишини таъминланмоқда.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришда ижтимоий омилларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шу асосда тегишли қонунчилик ҳужжатларининг такомиллаштирилиши эса давлат органларининг социал аҳамиятга эга бўлган ахборот ресурсларига оммавий уланиш, аҳолининг коммунал хизматлар учун электрон тўловларни амалга оширишини таъминловчи қулай коммуникация тармоқлари инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш имконини беради.

Соҳага оид ҳуқуқий пойдевор ва ижро механизмларини такомиллаштириш асосида, энг аввало, замонавий ютуқларга асосланган миллий иқтисодиёт салоҳиятини янада кенгайтиришга эришилади. Шулар қаторида интернет тармоғининг миллий сегментини тараққий топтириш, уни зарур маълумотлар билан тўлдиришни таъминлаш, миллий ахборот қидирув тизимини бутунлай ва сифат жиҳатидан яхшилаш, ундан фойдаланувчилар сонини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, электрон тижорат соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

II-БОБ. ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВЛАР СОҲАСИДА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Мамлакатимизда банк тизимининг молиявий кўрсаткичлари таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 январда ўтказилган йиғилишида белгилаб берилган 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида республикаимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсиши таъминланди.

2014 йил якуни бўйича Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ишлаб чиқариш ҳажмининг 2013 йилга нисбатан реал ўсиши 8,1 фоизни ва унинг номинал ҳажми 144,9 трлн. сўмни ташкил этди.

Мамлакат иқтисодиётининг юқори суръатларда ўсиши барча мавжуд имкониятларнинг сафарбар қилинаётганлиги ҳамда ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясининг изчил давом эттирилаётганлиги ҳисобига таъминланмоқда. Хусусан:

– хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнес юритиш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун зарур шароит ва қулай муҳит яратиш борасида аниқ чора-тадбирларнинг амалга оширилиши;

– саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, юқори технологияли ва замонавий ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, ушбу соҳада кенг қамровли инвестицион дастурларнинг изчиллик билан амалга оширилиши;

– истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини тубдан ошириш, бунда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўламининг янада кенгайтирилиши;

– банкларнинг капиталлашуви, ликвидлиги ва ресурс базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг инвестицион фаоллигини янада оширишга қаратилган изчил ва аниқ мақсадли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши;

– ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва реал даромадларининг ошишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсишига замин яратмоқда.

2014 йилда мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажмларининг юқори суръатларда ўсиши кузатилди.

Хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми 2013 йилга нисбатан 8,3 фоизга, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоизга ошди. Бундай юқори ўсиш суръатларини таъминлашда мамлакатимизда қабул қилинган 2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурлари доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди.

Саноатда юқори ўсиш суръатлари замонавий ва илғор технологияларга асосланган машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (ўсиш суръати 13,5 фоиз), енгил саноат (16,1 фоиз) ҳамда қурилиш материаллари (10,7 фоиз) саноати тармоқларида кузатилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини интенсив асосда ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, селекция ишларини чуқурлаштириш, мазкур тармоқда ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш ҳамда замонавий агротехнологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирларнинг изчиллик билан давом эттирилиши натижасида 2014 йилда қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2013 йилга нисбатан 6,9 фоизга ошди.

Шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ҳажми 6,9 фоизга, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳажми эса 7,0 фоизга ошди.

2014 йилда бозор хизматлари кўрсатиш ҳажми 2013 йилга нисбатан 15,7 фоизга ўсиб, унинг ЯИМ таркибидаги улуши 54 фоизни ташкил этди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида юқори ўсиш суръатлари молиявий хизматлар (33,9 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш (24,5 фоиз), компьютер дастурлаш (21,6 фоиз), маиший хизматлар (20,7 фоиз), қурилиш (18,3 фоиз) ҳамда савдо ва умумий овқатланиш (17,5 фоиз) соҳаларида кузатилди.

Давлат инвестиция дастурини амалга ошириш, маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун зарур шароит ва қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2014 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинган инвестицияларнинг умумий ҳажми 2013 йилга нисбатан 10,9 фоизга ўсиб, АҚШ доллари ҳисобида 14,6 млрд. долларни ташкил этди.

Бунда, асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг аксарият қисми, яъни қарийб 80 фоизи корхоналар, аҳоли, тўғридан-тўғри инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан молиялаштирилди. Хусусан, жами капитал қўйилмаларнинг 21,2 фоиздан ортиғини ёки 3 млрд. доллардан зиёдини хорижий инвестициялар ва кредитлар ташкил этди.

Умумий инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш соҳасига ва қарийб 40 фоизи машина ва ускуналар харид қилишга йўналтирилди.

Мамлакатимизда ички бозорни сифатли товарлар билан таъминлаш, экспорт таркибида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар улушини кўпайтириш ва янги иш ўринларини яратиш борасида амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Хусусан, 2014 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 31,1 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келди. Шу билан бирга, иқтисодиётда жами иш билан банд бўлган аҳолининг 76,5 фоизи шу соҳада фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларининг сони 2014 йил давомида 20 мингтага ошиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 195 мингдан зиёдни (*деҳқон ва фермер хўжаликларини ҳисобга олмаган ҳолда*) ташкил этди.

Ҳукумат томонидан мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, экспорт ҳажмининг барқарор ошиб боришини таъминлаш ва унинг таркибида ижобий ўзгаришларга эришиш ҳамда импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар республикаимиз ташқи савдо балансининг 180 млн. АҚШ доллари миқдоридаги ижобий сальдо билан ижро этилишини таъминлади.

2014 йилда ҳам бандликни таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларига республика Ҳукумати томонидан алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, «2014 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури» доирасида тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ҳисобот йили давомида республика бўйича қарийб

1 млн. янги иш ўринлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг 60 фоизи қишлоқ ҳудудлари ҳиссасига тўғри келади.

Ўз навбатида, 2014 йилда республикада аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 2013 йилга нисбатан 10,2 фоизга ҳамда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 23,2 фоизга кўпайди.

Бандлик даражаси ҳамда аҳоли даромадларининг бундай ўсиши, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражасининг ва ижтимоий фаровонлигининг барқарор равишда ошиб боришини таъминлашга хизмат қилмоқда.

2014 йилда Марказий банк томонидан қатъий пул-кредит сиёсати юритилганлиги ҳамда республика Ҳукумати томонидан иқтисодиётда нархлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши инфляцияни жиловлашда муҳим аҳамият касб этди ва унинг белгиланган прогноз кўрсаткичдан паст бўлиши таъминланди.

2014 йил якуни бўйича истеъмол баҳолари индекси асосида ҳисобланадиган инфляция даражаси 2013 йилга нисбатан 0,7 фоиз бандга пасайиб, 6,1 фоизни ташкил этди. Бунда истеъмол баҳолари индексининг ўсиши асосан номонетар омиллар ҳисобига юз берди.

Жумладан, 2014 йилда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи 3,7 фоизга ўсиб, унинг инфляцияга таъсири 1,8 фоизни, ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархи 7,0 фоизга ўсиб, инфляция даражасига таъсири 2,2 фоизни ташкил этди. Хизматлар нархи эса 11,3 фоизга ўсиб, инфляция даражасига таъсири 2,1 фоизни ташкил қилди.

2014 йилда республика банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги дастурий маърузаси, 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг

кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чоратadbирлар» Дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг республика молия-банк тизимини ривожлантиришга оид бошқа қарорларида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди.

Бунда асосий эътибор:

- тижорат банкларининг капиталлашув ва ресурс базасини янада ошириш, мазкур соҳага хусусий капитални кенг жалб этиш, активлар сифатини яхшилаш ҳамда банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлилигини янада мустаҳкамлаш;

- республика тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва банк назорати тизимини банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги (Базель III) талаблари асосида такомиллаштириш ишларини давом эттириш;

- иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётган банк кредитлари ҳажмларини янада кўпайтириш, тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини кучайтириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини ошириш, биринчи навбатда, ёшлар ва аёллар бандлигини оширишга қаратилган бизнес лойиҳаларни молиялаштиришга кредитлар ажратиш ҳажмини кенгайтириш;

- банк соҳасида қўшимча имтиёз ва преференциялар жорий қилиш ҳисобига тадбиркорлик субъектларига банк хизматларини кўрсатиш борасида энг қулай шарт-шароитларни яратиш;

- ижтимоий соҳани ривожлантириш, уй-жойлар қуриш ва аҳоли яшаш ҳудудларини ободонлаштириш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни молиялаштириш, шу жумладан, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида банк тизимига юклатилган вазифаларнинг сифатли ижро этилишини таъминлаш;

– мамлакат банк тизими ва тижорат банклари фаолиятининг етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари юқори рейтинг баҳоларига эришилишини таъминлаш ва мунтазам равишда янгилаб бориш;

– халқаро андозалар ва тамойиллар ҳамда мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда молия-банк соҳасининг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш бўйича вазифаларнинг сифатли ижро этилишини таъминлашга қаратилди.

2014 йил давомида банк тизимида амалга оширилган изчил ва аниқ мақсадли чора-тадбирлар натижасида юқорида санаб ўтилган барча йўналишлар бўйича ижобий натижаларга эришилди.

Банк тизимининг молиявий барқарорлиги ва ривожланиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги ПҚ-1464-сонли Қарори билан тасдиқланган индикаторлар тизимига асосан таҳлил қилинганда, банк тизимининг барча кўрсаткичлари «юқори даражада»ги индикатор баҳоларига мувофиқ келмоқда.

Жумладан, тижорат банкларининг капиталлашувини ошириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2014 йил якуни бўйича банк тизимида капиталнинг етарлилик даражаси 23,8 фоизни ташкил этди. Бу эса, банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро меъёрдан деярли 3 баробар юқоридир.

Банк тизими барқарорлигининг яна бир муҳим кўрсаткичи ҳисобланган ликвидлик даражаси 2014 йил якуни бўйича 64,6 фоизни ёки талаб этиладиган минимал даражадан 2 баробардан ортиқни ташкил этди.

Банклар томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш индикаторлари бўйича, яъни ҳар 100 минг (катта ёшли) аҳолига тўғри келадиган банк муассасалари сони 49,7 тани (30 тадан кўпи «юқори» кўрсаткич ҳисобланади) ташкил этади ҳамда мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида пешқадам бўлиб турибди.

Банк муассасаларида жисмоний шахслар томонидан очилган, ҳар 1000 та катта ёшли аҳолига тўғри келадиган банк ҳисобварақлари

1028 бирликни (1000 тадан кўп «юқори» ҳисобланади) ташкил қилиб, мазкур кўрсаткич ҳам «юқори даража»даги баҳога мос келади.

Банк тизими инфратузилмасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига республикада фаолият кўрсатаётган тижорат банклари сони 26 тани ташкил этиб, уларнинг 3 таси давлат тижорат банки, 10 таси акциядорлик тижорат банки, 8 таси хусусий банк ва 5 таси чет эл капитали иштирокидаги банклар ҳисобланади.

Шунингдек, мамлакатимизда хорижий банкларнинг 6 та ваколатхонаси ўз фаолиятини юритмоқда, улар билан республикада тижорат банклари томонидан кенг қамровли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Республикада барча ҳудудларида тижорат банкларининг тармоқлари янада кенгайиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига банкларнинг филиаллари сони 846 тага етди.

Банк муассасаларини аҳоли ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳудудларига янада яқинлаштириш, банк хизматларидан фойдаланиш шароитларини янада қулайлаштириш, шу жумладан, миқозларга коммунал ва бошқа тўловларни тўлашлари учун янада қулайликлар яратиш мақсадида ташкил этилган мини-банк ва махсус кассалар сони 2014 йил якуни бўйича 4 244 тага етди, шундан 2 198 таси қишлоқ жойларда жойлашган.

2014 йилда банк тизимида молия-банк хизматлари кўламини замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга қулай ва сифатли замонавий банк хизматларини кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш мақсадида банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари («Банк-миқоз», «Интернет-банкнинг», «Мобиль-банкнинг», «SMS-банкнинг» ва бошқалар)нинг республика миқёсида жорий этилишини

жадаллаштириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгиланиб, уларнинг тўлиқ бажарилишига эришиш борасида тегишли тадбирлар кўриб борилди.

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар умумий сони 534,8 мингтадан ортиб, 2014 йил бошига нисбатан 2 баробарга кўпайди. Шундан, «Интернет-банкнинг» ва «Банк-мижоз» дастурий мажмуаси хизматларидан фойдаланувчилар сони 62,2 мингтани ташкил этган бўлса, «Мобиль-банкнинг» ва «SMS-банкнинг» хизматларидан фойдаланувчилар сони 472,6 мингтага етди.

Ўз навбатида, банк тизимида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг замонавий шакли – банк пластик карточкалари муомаласини кенгайтириш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида, 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, муомалага чиқарилган банк пластик карталари сони 2014 йилнинг бошига нисбатан 2,4 млн. донага ортиб, 13,4 млн. донани ҳамда чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш субъектларига ўрнатилган тўлов терминаллари сони 2014 йилнинг бошига нисбатан 29,3 минг донага ортиб, 159 минг донани ташкил қилди.

Натижада 2014 йил давомида пластик карталар орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 2013 йилга нисбатан 1,4 баробарга ошиб, 22,8 трлн. сўмни ташкил этди.

2014 йилда банк тизими инфратузилмасини янада ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикасининг «Гаров реестри тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш ва гаров реестри тизими фаолиятини йўлга қўйиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, Марказий банк қошида «Гаров реестри» давлат унитар корхонаси ташкил этилди. Шунингдек, Ҳукумат қарори билан Гаров реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди ва мазкур Низомда гаров реестрини шакллантириш ва ундан фойдаланиш шартлари, шу жумладан, гаров реестрига маълумотларни киритиш, уларни ўзгартириш

ва чиқариб ташлаш ҳамда гаров реестридан фойдаланиш шартлари белгилаб қўйилди.

«Гаров реестри» дастурий комплекси ишлаб чиқилиб, «Гаров реестри» давлат унитар корхонаси томонидан фойдаланишга қабул қилинди. «Гаров реестри» корхонаси учун www.garov.uz домен номи (манзили) расмийлаштирилди ва интернет тармоғида ишга туширилди.

Умуман олганда, банк инфратузилмасининг тобора кенгайиб ва такомиллашиб бораётганлиги, ўз навбатида, банк хизматлари бозорида рақобат муҳитининг ва кўрсатилаётган хизматлар сифатининг янада яхшиланишига ҳамда аҳолининг банк хизматларидан фойдаланиш даражасининг ошишига хизмат қилмоқда.

Тижорат банкларининг ресурс базасини кенгайтириш борасида амалга оширилган тадбирлар 2014 йилда республика банк тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан белгиланган 2011-2015 йилларда тижорат банкларининг умумий капитал ҳажмини қўшимча акцияларини чиқариш ва жойлаштириш орқали камида 2,1 баробарга ошириш вазифасини бажариш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш давом эттирилди.

Хусусан, 2014 йилда қўшимча акциялар ва қарз қимматли қоғозларини чиқариш ва жойлаштириш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини жалб қилиш кўламларини кенгайтириш ҳамда бошқа воситалардан самарали фойдаланиш орқали тижорат банкларининг умумий капитали ҳажми 2013 йилга нисбатан 25 фоизга ошиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 6,9 трлн. сўмни ташкил этди.

2014 йил давомида тижорат банклари томонидан банк устав капиталини ошириш мақсадида 525,2 млрд. сўмлик, шу жумладан, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 222,6 млрд. сўмлик, «Агробанк»нинг 30,0 млрд. сўмлик, «Асака» банкнинг 68,8 млрд. сўмлик, «Ипотека-банк»нинг 43,2 млрд. сўмлик «Orient Finans» банкнинг 19,5 млрд. сўмлик,

«Asia Alliance Bank»нинг 23,7 млрд. сўмлик ва «Қишлоқ қурилиш банк»нинг 33,3 млрд. сўмлик акциялари инвесторлар орасида жойлаштирилиб, шундан 209,2 млрд. сўмлик акциялар нодавлат сектор субъектларига сотилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 23 майдаги «Ўзбекистон саноат-қурилиш банкининг устав капиталини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2179-сонли Қарорига мувофиқ «Ўзсаноатқурилишбанк» устав капиталы 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига 541,2 млрд. сўмга (223,4 млн. АҚШ доллари эквивалентида) етказилди.

Бугунги кунда 18 та тижорат банкларининг акциялари «Тошкент» фонд биржаси листингига киритилган бўлиб, ушбу банкларнинг қимматли қоғозлари мунтазам равишда биржада котировка қилиниб, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилмоқда.

Банклар ресурс базасини кенгайтиришнинг яна бир муҳим йўналиши сифатида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банклардаги депозитларга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қайд этиш лозимки, тижорат банклари томонидан аҳолининг талаби ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда янги омонат турларини жорий этиш ҳамда ушбу йўналишда кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўз навбатида, аҳоли реал даромадларининг ўсиб бораётганлиги, банклардаги омонатларнинг давлат томонидан тўлиқ кафолатланганлиги, мижозларнинг биринчи талабига кўра омонатлар қайтарилишининг таъминланганлиги ҳамда банк омонатларидан олинган фоизли даромадларнинг солиқдан озод қилинганлиги аҳолининг тижорат банкларидаги омонатлари ҳажмининг барқарор ошиб боришини таъминламоқда.

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, тижорат банкларидаги аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлари депозитларининг умумий ҳажми 2013 йилга нисбатан 30,5 фоизга ошиб, 28,5 трлн. сўмга етди.

Бундан ташқари, банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш мақсадида тижорат банклари томонидан узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларининг чиқарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тижорат банкларининг муомалага чиқарилган қарз қимматли қоғозлари ҳажми 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига 1,0 трлн. сўмни, жумладан, муомаладаги узоқ муддатли облигациялар 310,2 млрд. сўмни ва депозит сертификатлари миқдори 689,7 млрд. сўмни ташкил этмоқда.


Иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳажмини кенгайтириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар Банкларнинг умумий капитали ва депозитлар базасининг янада мустаҳкамланиши банкларнинг ички манбалар ҳисобига кредитлаш ва инвестициялаш имкониятларини кенгайтириш орқали мамлакат иқтисодиётининг юқори суръатларда ўсишини молиявий қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Хусусан, тижорат банкларининг жами активлари ҳажми 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 28,2 фоизга ошиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 56,2 трлн. сўмга етди (2.1-диаграмма).



2.1-диаграмма. Тижорат банкларининг жами активлари ўзгариши динамикаси

Шу жумладан, 2014 йилда тижорат банкларининг кредит қўйилмалари умумий ҳажми 2013 йилга нисбатан 31,2 фоизга ўсиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 34,8 трлн. Сўмни ташкил этди (2.2-диаграмма).



2.2-диаграмма. Тижорат банкларининг кредит қўйилмалари динамикаси

Республика банк тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги ПФ-4058-сонли Фармони бошқа фармон ва қарорларига мувофиқ, иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳажмларини янада ошириш, шу жумладан, янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш жараёнларида банкларнинг иштирокини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

2014 йил мобайнида корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан жами 8,5 трлн. сўм ёки 2013 йилга нисбатан 1,2 баробар кўп инвестицион кредитлар ажратилди (2.3-диаграмма).



2.3-диаграмма. Инвестицион кредитлар динамикаси

Бунда банкларнинг инвестицион кредитлари устувор равишда «2011-2015 йилларда саноатни ривожлантириш», «2014 йилги Инвестиция дастури» ҳамда тармоқларни модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш ва ҳудудларни ривожлантириш Давлат дастурларига киритилган лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқариш технологияларини сотиб олишга йўналтирилмоқда.

Жумладан, 2014 йил давомида тижорат банклари томонидан:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1047-сонли Қарорини ижро этиш доирасида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарга 1,6 трлн. сўм ёки 2013 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1050-сонли Қарорига мувофиқ, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 1,7 трлн. сўм миқдорида ёки 2013 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп кредитлар ажратилди.

Шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида 2014 йил давомида жами 3,8 трлн. сўм, шу жумладан, тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлашга 960,2 млрд. сўм, ёш oilаларга уй-жой сотиб олиш, қуриш ва реконструкция қилиш учун 234,8 млрд. сўм ҳамда аёлларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш ва кундалик уй меҳнатини енгиллаштириш мақсадида уй-рўзғор буюмларини сотиб олишга 57,3 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2011 йил 11 мартдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1501-сонли Қарори ва 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4455-сонли Фармони ҳамда бошқа қарорларига мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмини янада ошириш, кредитлаш шартларини соддалаштириш, уларга банк хизматларидан фойдаланиш борасида қўшимча имтиёз ва қулайликлар яратиш бўйича чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, 2014 йил давомида:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш учун аризаларни кўриб чиқиш муддати 3 банк кунигача қисқартирилди;

- банк ҳисобварағини очиш, давлат бюджетига уларнинг ҳисобварақларидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда банк хизмати учун тўлов ундириш ва нотариал тасдиқланган имзолар намунасини олиш бекор қилинди;

- ҳисобварақларга электрон кўринишда хизмат кўрсатиш учун олинадиган тўлов миқдори 20 фоизга қисқартирилиб, молия-банк соҳасида 8 турдаги рухсат бериш тамойиллари бекор қилинди;

- инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун кредитлар тўлаш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз 5 йилгача муддатга берилиши бўйича меъёр бекор қилиниб, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш муддати тижорат банкининг Кенгаши томонидан тасдиқланадиган «Банкнинг кредит сиёсати»да акс эттириладиган бўлди;

- тижорат банкларига кичик тадбиркорлик субъектларига кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида 2014 йил давомида тижорат банклари томонидан мазкур соҳа субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлари ҳажми 2013 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошиб, қарийб 9,2 трлн. сўмни ташкил этди (2.4-диаграмма).



2.4-диаграмма. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар динамикаси

Хусусан:

– ажратилган микрокредитлар 1,9 трлн. сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич ҳам 2013 йилга нисбатан 1,4 баробарга ўсди;

– халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг кредит линиялари, грантлари ҳисобидан 157,8 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ажратилди ёки белгиланган прогноз кўрсаткичи 121,4 фоизга бажарилди;

– имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан устувор равишда олис ва бориш қийин бўлган туманларда, шунингдек, ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 61 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига кенг жалб қилиш, уларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишлари, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштиришга 201 млрд. сўм (2013 йилга нисбатан 1,4 баробарга кўп) кредит маблағлари йўналтирилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 6 июндаги 175-сонли қарорига асосан Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида ташкил этилган Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармаси томонидан 2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилган лойиҳаларнинг 33 таси маъқулланиб, мазкур инвестиция лойиҳалари бўйича тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқарилиши молиялаштирилди.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг 105 та лойиҳалари доирасида тижорат банклари томонидан 49,3 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда банк тизимида бизнесни юритиш шарт-шароитларини енгиллаштириш ва арзонлаштириш ҳамда тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар халқаро молиявий ташкилотлар томонидан юқори баҳоланиб келинмоқда.

Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг 2014 йилнинг октябрь ойида эълон қилинган тадбиркорлик фаолиятини юритиш шарт-шароитлари бўйича «Бизнесни юритиш – 2015» навбатдаги йиллик ҳисоботида бизнесни юритиш шарт-шароитлари бўйича республикаимизнинг рейтинг кўрсаткичи 2014 йилнинг ўзида 8 поғонага кўтарилди.

Шу жумладан, кредитлаш шартлари бўйича сўнгги икки йилда мамлакатимизнинг рейтинги 50 поғонага, яъни 154-ўриндан 104-ўрингача кўтарилди. Бунда ушбу кўрсаткич бўйича кўтарилиш 2013 йилда 24 поғонани, 2014 йилда эса 26 поғонани ташкил этди.

Шунингдек, «Кредит ахбороти алмашинуви индекси» бўйича Ўзбекистон банк тизими мавжуд 8 балли тизимда 7 баллга баҳоланди ва бу кўрсаткич Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD)га аъзо давлатлари бўйича ўртача кўрсаткичдан юқоридир.

Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва банк назорати тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар 2014 йилда банк тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида банк назоратини халқаро андозаларга мувофиқ ҳолда такомиллаштириш ишлари давом эттирилди.

Банк назорати соҳасидаги ислохотлар банкларнинг кредиторлари, омонатчилари ва миждозлари манфаатларининг ҳимояланиш даражасини янада ошириш, банкларнинг ўрнатилган иқтисодий нормативлар ва қонунчилик талабларига тўлиқ риоя қилишларига эришиш тадбирлари орқали амалга оширилди.

Хусусан, тижорат банкларининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида:

– «Тижорат банкларининг молиявий ҳолати ва барқарорлигини баҳолаш ҳамда уларнинг натижаларини кўриб чиқиш Тартиби» ва «Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш Тартиби»га асосан, тижорат банкларининг капитал етарлилиги, ликвидлилиги, активлар сифати ва диверсификацияси ҳамда банк Бошқаруви органларининг фаолияти самарадорлиги;

– банк операцияларини амалга оширишда операцион ва бозор таваккалчиликларини баҳолаш бўйича «Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, ҳар бир банкда бевосита банк Кенгашига бўйсунувчи Таваккалчиликларни назорат қилиш қўмиталарининг фаолияти доимий равишда мониторинг қилиб борилди.

Ўз навбатида, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 53-моддасига асосан банклар ва уларнинг филиаллари томонидан иқтисодий нормативларни белгиловчи қонун ҳужжатлари талаблари бузилган тақдирда уларга нисбатан Марказий банк томонидан тегишли чоралар ва санкциялар қўлланилиб, йўл қўйилган хато ва камчиликлар бартараф этилди.

Юқоридагилар билан бирга, 2014 йилда тижорат банклари фаолиятини баҳолаш тизимини халқаро рейтинг компанияларининг мезон ва андозалари асосида амалга ошириш, банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитасининг янги тавсияларини амалиётда қўллаш, тижорат банкларининг бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларини халқаро талабларга мувофиқлаштириш борасида Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди билан ҳамкорлик ишлари давом эттирилди.

Жумладан, мамлакатимиз банк назорати тизимини халқаро стандартларга мос равишда такомиллаштириш ва халқаро Базель қўмитасининг янги тавсияларини жорий қилиш бўйича Жаҳон банкининг техник ёрдам дастури доирасида 2014 йилнинг 6 – 10 январь ва 29 апрель – 10 май кунлари давомида республикаимизга ташриф буюрган миссияси билан бирга тижорат банкларида корпоратив бошқарув сифати ва самарадорлигини ошириш, операцион ва фоиз хатари устидан назоратни кучайтириш, жамланма назоратни, молиявий ҳисоботларни ва банкларни рейтинглаш амалиётини янада такомиллаштириш масалалари ҳар томонлама кўриб чиқилди.

Ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг давоми сифатида Халқаро валюта фонди экспертлари томонидан 2014 йилнинг 2 - 12 сентябрь кунлари республикаимизга навбатдаги ташриф чоғида тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг назорат тизимини ва ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш юзасидан билдирилган тавсиялар асосида Марказий банкнинг «Тижорат банкларининг капитал етарлилиги бўйича талаблар тўғрисида»ги ва «Тижорат банкининг ликвидлигини

бошқариш бўйича талаблар тўғрисида»ги Низомларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Тижорат банклари фаолиятининг етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан баҳоланиши 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикамизда фаолият юритаётган барча тижорат банклари (26 та) «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» каби нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтинг баҳоларига эга.

Республикамизнинг етакчи банклари – Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асака» банк, «Ипотека-банк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Агробанк», «Ҳамкорбанк» ва «Ипак йўли» банки бир йўла иккита етакчи халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтинг баҳоларини олишган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2014 йилнинг 15 апрель куни «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги «Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболи» мавзусидаги навбатдаги ҳисоботини эълон қилиб, Ўзбекистон банк тизиминининг ривожланиш истиқболини кетма-кет бешинчи йил «барқарор» даражада тасдиқлади.

Шунингдек, 2014 йил декабрь ойида «Стандарт энд Пурс» ва «Фитч рейтингс» рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизими ривожланиш истиқболларини яна бир бор «барқарор» баҳолади.

Бу эса ўз навбатида, маҳаллий ва хорижлик сармоядорларнинг республикамиз банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаб, банкларнинг халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш ҳамда уларнинг кредит линияларини жалб этиш имкониятларини оширишга хизмат қилмоқда.

2015 йилда монетар сиёсат, унинг бош мақсади – миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар

Маҳкамасининг мажлисида белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилишига қаратилади.

Хусусан:

- иқтисодиётдаги таркибий қайта ўзгартиришларни янада кенгайтириш, саноатнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш ва фаол диверсификациялаш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш;

- хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқлар ва чеклашларни бартараф этиш, уларга тўлиқ эркинлик бериш;

- иқтисодиётда давлат иштироки даражасини танқидий баҳолаш, уни стратегик ва иқтисодий асосланган ўлчамларгача қисқартириш;

- корпоратив бошқарув тизимидаги тамойиллар ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, шунингдек, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ва инвестиция жараёнларининг корпоратив менежментига доир халқаро замонавий стандартларни жорий этиш;

- ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш;

- ривожланган инфратузилмани, биринчи навбатда, ахборот-коммуникация, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тизимларини ривожлантириш;

- аҳоли бандлигини таъминлаш, энг аввало, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

- кекса авлод кишиларига ғамхўрлик ва эътиборни кучайтириш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётига тегишли мавжуд муаммоларни ҳал этиш. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурини амалга ошириш каби вазифалар 2015 йилги пул-кредит сиёсатининг ва банк тизими фаолиятининг энг муҳим устувор йўналишлари этиб белгилаб олинди.

2015 йилда республикамызда ялпи ички маҳсулотнинг 8,0 фоизга, шу жумладан, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,3 фоизга ва қишлоқ хўжалигида 6,0 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда.

Иқтисодий ўсишнинг ушбу юқори суръатлари, аввало, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, пуллик хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган инвестициялар ҳажмининг ўсиши ҳамда ички талабни рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, экспорт ҳажмининг янада ортиши ҳисобига таъминланади.

Хусусан, 2015 йилда иқтисодиётни таркибий жиҳатдан диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхоналарни барпо этиш ва мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, кичик бизнесни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ҳамда ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш каби инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга йўналтириладиган капитал қўйилмалар реал ҳажмининг 2014 йилга нисбатан 10,1 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда.

Бунда мамлакат иқтисодиётига жалб этиладиган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажмининг 3,5 млрд. АҚШ долларидан зиёдни ташкил этиши кутилмоқда.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4609-сонли Фармони ҳамда бошқа фармон ва қарорларида мамлакатда ишбилармонлик ва инвестицион муҳитни тубдан яхшилаш бўйича белгилаб берилган вазифаларнинг изчиллик билан бажарилиши ҳисобига 2015 йилда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар инвестицион фаоллигининг янада ошиши таъминланади.

Жумладан, жаҳон амалиётида умумқабул қилинган бизнесни юритиш шароитларини баҳолаш мезонлари тизимини жорий этиш ва шу асосда мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада юқори даражаларга олиб чиқишга алоҳида эътибор қаратилади.

Экспортни рағбатлантириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишнинг давом эттирилиши ҳамда жаҳон бозорида республикамызда ишлаб чиқарилаётган асосий экспорт маҳсулотларига талаб ва нархлар прогнозини инобатга олган ҳолда, 2015 йилда ҳам мамлакатимиз тўлов баланси, шу жумладан, ташқи савдо баланси ижобий сальдосининг сақланиб қолиши прогноз қилинмоқда.

Хусусан, мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятда кенг иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқишга қўмаклашиш, экспорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш жараёнини ҳамда умуман божхона маъмуриятчилигини соддалаштириш ва эркинлаштириш борасидаги ислохотларнинг изчил давом эттирилиши 2015 йилда ҳам мамлакат экспортининг юқори суръатларда ўсишига хизмат қилади.

Солиқ-бюджет сиёсатида амалга оширилиши режалаштирилаётган чора-тадбирлар ҳам мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари прогнозларидан келиб чиққан ҳолда, бюджет тақчиллигини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,0 фоиздан оширмасликни ҳамда унинг тўлиқ ноинфляцион манбалар ҳисобидан молиялаштирилишини назарда тутати.

2015 йилда ҳам ҳукумат томонидан бандликни таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилиши аҳоли истеъмол талабининг, шу жумладан, узоқ муддатли товар ва

хизматларга бўлган талабининг ўсишида ўз аксини топади ҳамда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашга хизмат қилади.

Ўз навбатида, 2015 йилда ялпи ички маҳсулот дефлятори прогнозининг 2014 йилдаги 12,6 фоиздан 12,1 фоизгача пасайиши, иқтисодиётда ишлаб чиқариш ҳажми ва самарадорлигини ошириш ҳамда маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ва жаҳон бозоридаги хомашё ва товарлар нархлари динамикасининг прогнозини инобатга олиб, 2015 йил учун инфляция даражаси мақсадли кўрсаткичи 2014 йилдаги кўрсаткичга (6-7 *фоиз*) нисбатан пасайтирилиб, 5,5-6,5 фоиз доирасида белгиланмоқда.

2.2. Ўзбекистон республикасида электрон тўлов тизимининг ҳозирги ҳолати ривожланиш босқичлари

2014 йилда Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсати «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонун, «Монетар сиёсатнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари» ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги «Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 63-сонли Қарори талаблари асосида амалга оширилди.

Хусусан, 2014 йилда пул-кредит сиёсатини амалга оширишда асосий эътибор, инфляция даражасининг 6-7 фоизли мақсадли параметри доирасида бўлишини таъминлаш ва айти пайтда кўзда тутилган юқори иқтисодий ўсиш суръатларини молиявий қўллаб-қувватлаш вазифаларидан келиб чиқиб, иқтисодиётдаги пул таклифни мақбул даражада ушлаб туришга қаратилди.

Шу билан бирга, Марказий банк томонидан пул агрегатларининг ўзгариш динамикаси, пул бозоридаги ҳолат ва тижорат банкларининг ликвидлиги ва уларга таъсир этувчи омиллар бўйича мунтазам таҳлилий мониторинг олиб борилиб, пул ва валюта бозорининг барқарорлигини

таъминлаш ҳамда банк тизими ликвидлилигини мақбул даражада ушлаб туришга қаратилган тегишли чора-тадбирлар амалга ошириб борилди.

Қайд этилган асосий мақсад ва вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун Марказий банк ўз тасарруфидаги монетар сиёсатнинг бозор инструментларидан кенг фойдаланди.

2014 йилда иқтисодиётдаги пул таклифи, яъни пул массаси қуйидаги омиллар таъсирида шаклланди.

Мамлакат тўлов баланси ижобий сальдосининг таъминланиши ҳисобига банк тизими соф ташқи активларининг кўпайиши ҳамда 2014 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидаги лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлашга ва реал сектордаги инвестицион фаолликнинг ошишини янада рағбатлантиришга қаратилган сиёсатнинг давом эттирилиши натижасида банк тизими кредит портфелининг ошиб бориши иқтисодиётда пул таклифининг ўсишига таъсир қилувчи омиллар бўлди.


Шу ўринда, давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоизга профицит билан ижро этилиши, бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармалари ҳисобварақларида пул маблағларининг жамланиб борилиши пул массаси ўсишининг олдини олувчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобварағига жорий тушумлар ҳисобидан қўшимча равишда 1,6 млрд. АҚШ доллари миқдорида маблағлар йўналтирилиши ҳисобига пул массасининг 3,6 трлн. сўмга ўсиши олди олиниб, ушбу омил ҳам иқтисодиётдаги инфляцион босимнинг пасайишига хизмат қилди.

Ўз навбатида, Марказий банк, инфляция ва иқтисодий ўсишнинг мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда, пул таклифи ҳажмини мақбуллаштириш мақсадида пул-кредит сиёсатининг бозор инструменларидан фаол фойдаланди.

Бунда Марказий банк томонидан пул бозорида операцияларни амалга оширишда асосий эътибор муомаладаги пул массасини самарали бошқариш, банк тизими ликвидлигини тартибга солиш ва фоиз ставкалари барқарорлигини таъминлашга қаратилди.

Хусусан, 2014 йил давомида пул бозорида банк тизими соф ташқи активларининг кўпайиши ҳисобига шаклланган кўшимча ликвидликни Марказий банкнинг махсус депозитларига жалб қилиш (стерилизация) операциялари амалга ошириб борилди.



2.5-диаграмма. Марказий банкнинг депозит операциялари динамикаси


Натижада 2014 йилда амалга оширилган депозит операцияларнинг ўртача ҳажми 2013 йилга нисбатан 1,1 баробарга ошди (2.5-диаграмма).

2014 йил давомида мажбурий резерв талаблари инструментида тижорат банкларининг кредит ресурслари миқдorigа тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш орқали иқтисодиётдаги пул таклифини тартибга солишнинг муҳим воситаси сифатида қўллаш давом эттирилди.

Бунда мажбурий резерв меъёрлари инфляция ва пул массасининг белгиланган мақсадли параметрларидан келиб чиқиб ҳамда тижорат банкларида узоқ муддатли ресурс базасини янада кенгайтириш мақсадида

муддати 1 йилгача бўлган депозитлар учун 15 фоиз, муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун 12 фоиз, муддати 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар учун 10,5 фоиз миқдорида ўзгартирилмасдан қолдирилди.

Натижада 2014 йил охирига келиб, банк тизими ресурс базасининг кенгайиши ва унинг таркибида узоқ муддатли депозитлар улушининг ортиб боришига мутаносиб равишда тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий резервлари ҳажми йил бошига нисбатан 155 млрд. сўмга кўпайди (2.6-диаграмма).



2.6-диаграмма. Мажбурий захиралар қолдиғи динамикаси

2014 йилда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси инструментида ҳам пул бозоридаги фоиз ставкаларини бошқаришда ҳамда иқтисодий ўсиш жараёнларини рағбатлантириш мақсадида кенг фойдаланилди.

Бунда инфляция даражаси, пул массаси ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мақсадли параметрларидан келиб чиқиб, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2014 йилнинг 1 январидан йиллик 12 фоиздан 10 фоизга туширилди ва йил давомида ўзгартирилмаган ҳолда сақлаб турилди.

Қайта молиялаш ставкасининг 2 фоиз бандга пасайтирилиши пул бозорида фоиз ставкаларининг пасайишига, реал сектор корхоналарининг инвестицион имкониятларини оширишга ҳамда иқтисодиётни кредитлаш ҳажмини янада кенгайтиришга хизмат қилди.

Умуман олганда, пул-кредит соҳасида амалга оширилган ушбу тадбирлар пул массасининг прогноз кўрсаткичларидан паст бўлишини таъминлаш ва инфляция даражасига монетар омиллар таъсирининг олдини олиш имконини берди.

2014 йил давомида Марказий банк томонидан пул-кредит соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар, шу жумладан, иқтисодиётнинг пулга бўлган талабини банк кредитларини ажратиш ҳажмларини кенгайтириш ҳисобига тўлиқ қондириш, банк хизматларидан фойдаланиш шарт-шароитларини соддалаштириш ва арзонлаштириш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда қайта молиялаш ставкасининг 2 фоиз бандга туширилганлиги тижорат банкларининг фоиз сиёсатида ўз таъсирини кўрсатди.

Шунингдек, республикадаги мавжуд макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик ҳам кредитлар ва депозитлар бўйича фоиз ставкалари динамикасида ўз ижобий аксини топди.

Хусусан, депозитлар бўйича ўртача фоиз ставкаси йил бошидаги 9,6 фоиздан 7,7 фоизгача пасайди.

Бунда жисмоний шахслар депозитлари (талаб қилиб олингунча депозитлар ҳисобга олинмаган ҳолда) бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси йил бошидаги 9,8 фоиздан 8,0 фоизгача, юридик шахслар депозитлари бўйича эса йил бошидаги 7,4 фоиздан 5,5 фоизгача пасайди.

Шу билан бирга, банклараро пул бозорида ўртача фоиз ставкаси йил давомида 1,0 фоиз бандга пасайиб, 9,0 фоизни ташкил этди.

Тижорат банкларининг ресурс базасини шакллантириш билан боғлиқ харажатларнинг қисқариши мос равишда кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келди.

Бунда тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 12,4 фоиздан 10,5 фоизгача, имтиёзли кредитларни ҳисобга олмаган ҳолда эса 14,3 фоиздан 12,5 фоизгача пасайди.

2014 йилда валюта сиёсати унинг асосий тамойиллари, яъни миллий валютаимиз сўмнинг барқарорлигини ҳамда ички валюта бозорида талаб ва таклифнинг мутаносиблигини таъминлаш мақсадларидан келиб чиқиб амалга оширилди.

Бунда асосий эътибор инфляцион жараёнларни жиловлашга, миллий валюта алмашув курси кескин тебранишларининг олдини олишга ҳамда экспортни қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Ўз навбатида, валюта алмашув курсининг ўзгариб боровчи бошқариладиган усулини қўллаш орқали алмашув курсининг мақсадли коридор доирасида бўлиши таъминланди. Экспортни рағбатлантириш мақсадида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан курсини босқичма-босқич пасайтириш чоралари кўрилди.

Натижада 2014 йил давомида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан айирбошлаш курси 10 фоизга пасайиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, бир АҚШ доллари 2422,4 сўмни ташкил қилди.

Мамлакатимиз ташқи савдо операцияларининг асосий қисми АҚШ долларига амалга оширилишини инобатга олиб, сўмнинг бошқа хорижий валюталарга нисбатан алмашув курсларини белгилашда операцион мўлжал сифатида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курсидан фойдаланилди.

Шунга мувофиқ, сўмнинг АҚШ долларида бошқа хорижий валюталарга нисбатан алмашув курслари ушбу валюталарнинг ташқи валюта бозорларидаги АҚШ долларига нисбатан курслари динамикаси ва ички валюта бозорида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси таъсири остида шаклланди.

Олиб борилган валюта сиёсати таъсирида сўмнинг алмашув курси Хитой юанига нисбатан 7,2 фоизга, фунт стерлингга нисбатан 4,0 фоизга, Корея вонига нисбатан 5,7 фоизга ва Туркия лирасига нисбатан 2,1 фоизга пасайиб, экспортни рағбатлантиришга хизмат қилди.

2015 йилга мўлжалланган пул-кредит кўрсаткичлари прогнози юқорида қайд этилган Ҳукумат томонидан тасдиқланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогноз параметрларидан келиб чиқиб белгиланмоқда.

Бунда инфляция даражасининг белгиланаётган мақсадли параметрлар доирасида бўлишини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотнинг кўзда тутилаётган ўсиш суръатини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, 2015 йилда ўртача йиллик пул массасининг ялпи ички маҳсулотга нисбатини 1,0 фоиз банддан юқори бўлмаган миқдорида ошириш кўзда тутилмоқда.

Молия-банк тизими фаолиятининг қонунчилик базасини халқаро андозалар ва тамойиллар асосида янада такомиллаштириш бўйича ишларни давом эттириш 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуни янги таҳрирдаги лойиҳасининг Олий Мажлис палаталарида кўриб чиқилиши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, молия-банк тизими фаолиятининг қонунчилик базасини такомиллаштириш чора-тадбирлари доирасида:

- Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки экспертлари тавсиялари асосида Марказий банкнинг банк назоратига оид меъёрий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва зарур ҳолларда янги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- операцион, кредит, валюта рисклари ҳамда депозит операциялари билан боғлиқ рискларни олдиндан аниқлаш ва уларни бартараф этиш борасидаги меъёрий талабларни янада такомиллаштириш;

– молиявий ҳисоботларни ва уларни эълон қилиш тизимини халқаро андозаларга мувофиқлаштириш борасидаги талабларни янада кучайтириш борасидаги бошқа бир қатор ишлар амалга оширилади.

2.3. Электрон тўловлар соҳасида банк хизматларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари

Пул муомаласи – банк-молия тизимининг қон томиридир. Ҳисоб-китобларнинг нақд ва нақдсиз шакли иқтисодиётнинг мўътадил фаолият юритиши учун жуда муҳимдир. Шу боис мамлакатимиз раҳбарияти томонидан қабул қилинган директив ҳужжатларда, банк тизимининг ривожланиш стратегиясида пул муомаласини ислоҳ қилиш, такомиллаштиришга устивор вазифа сифатида қаралмоқда.

Аҳоли бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш, банк инфратузилмасини яхшилаш, коммунал тўловлар ва бошқа хизматлар бўйича тўловларни қабул қилиш учун қулай шароитлар яратиш, нақд пул тушумларининг банк кассаларига тўлиқ тушишини таъминлаш мақсадида жойларда 2400 дан ортиқ мини-банк ва махсус кассалар фаолият кўрсатмоқда.

Тижорат банклари ва инкассация бўлимлари томонидан чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган хўжалик субъектларининг нақд пул тушумларини банкларга топширилиши устидан доимий мониторинг ўрнатилган. Шу йилнинг дастлабки уч ойида 1,1 мингта янги тадбиркорлик субъектлари инкассация хизматига жалб этилди ва уларнинг умумий сони 115,6 мингтани ташкил этди. Бунинг учун республика бўйича 603 та инкассация йўналишлари очилган.

Нақд пул муомаласини такомиллаштиришда иқтисодий ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳисоб-китобларни пластик карточкалар асосида амалга ошириш афзаллигини кўрсатди. Ҳисоб-китобларни нақдсиз шаклда амалга оширишга ўтиш банкларни банкноталар чоп этиш, ташиш, санаш,

қоғозбозлик каби серхаражат ишлардан халос этиш, нақд пул муомаласи барқарорлигини сақлаш баробарида иқтисодиётни зарур инвестицион ресурслар билан таъминлайди, тегишли идораларнинг жисмоний ва юридик шахслар устидан назорат қилишини чеклайди.

Кези келганда айтиш ўринлики, Шимолий Америка ва Европа, Австралия ва қатор Осиё мамлакатларида пластик карточкалар инфратузилмасини кенгайтириш ҳисобига муомаладаги нақд пулларни камайтириш сиёсати юритилмоқда. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги тўловларнинг электрон ҳамёнлар ёрдамида амалга оширилиши натижасида иш ҳақларининг нақд пулда берилиши тобора қисқариб бормоқда. Масалан, иш ҳақлари ҳозирги пайтда Англия ва Францияда 10, Германияда атиги 5 фоизи нақд пулда тўланмоқда.

Марказий банк пул массасини бошқаришда иқтисодий ўсиш барқарорлигига шароит яратадиган, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини кенгайтириш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга оширди. Мамлакатимизда қайси банк хизмат кўрсатишидан қатъи назар, барча савдо шохобчаларида пластик карточкалар ёрдамида ягона тартибда банк операцияларини ўтказиш имконини берувчи замонавий банк технологиялари ишлаб чиқилди. Ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этилди, Банклараро тўлов тизими яратилди. Пластик карточкаларни қўллаш орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг зарур қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Пластик карточкалар, тўлов терминаллари ва бошқа жиҳозларни юқори даражада ҳимоялаш бўйича белгиланган талабларга риоя этилиши устидан тизимли назорат ўрнатилди.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, жисмоний шахслар иш ҳақи ва ижтимоий тўловлар лойиҳаси асосида товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш ҳамда пластик карточкаларга техник хизмат кўрсатишда бошқа мамлакатлардагидан фарқли ўлароқ бизнинг банкларимиз хизмат ҳақи ундирмайди.

Ҳозирги пайтда республикамиз бўйича салкам 14 млн дона пластик карточка муомалага чиқарилган. Электрон ҳамёндан тўловларни узлуксиз қабул қилиш учун тижорат банклари томонидан 163 мингдан ошиқ чакана савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари тўлов терминаллари билан таъминланди. Тўлов терминаллари чекка ҳудудлардаги чакана савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига ҳам ўрнатиш, эскиларини янгиси билан алмаштириш чоралари кўриб борилмоқда. Аҳоли гавжум жойларда 2 мингга яқин кўпфункционали инфокиоск ва банкоматлар ўрнатилди.

Пластик карточка эгалари ундан универсал тўлов воситаси сифатида фойдаланиб, кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ-овқат ва маиший маҳсулотлар, пуллик, шунингдек, коммунал хизматлар учун тўловларни ҳар қандай масофадан туриб, исталган вақтда амалга оширишлар мумкин. Бундай қулайлик савдо ва сервис соҳаларидан тушумлардаги улушни 50 фоизга етказиш, охирги беш йил мобайнида эса бутун тўловлар ҳажмини 3 марта ошишига шароит яратди. Таъкидлаш ўринлики, ҳозирги пайтда ҳар ойда ўртача 1,8 трлн сўмдан ортиқ товарлар ва хизматлар, шунингдек, 187 млрд сўм миқдоридаги коммунал тўловлар электрон тизимлар орқали амалга оширилмоқда.

Қайд этиш лозимки, бугунги кунда иш ҳақи ва ижтимоий тўловларнинг бир ойда ўртача 50 фоиздан ортиғи пластикларга тушириб берилмоқда ва зарур ҳолларда, мижозларнинг талабига кўра, банк кассаларидан нақд пулда бериб борилмоқда.

Пластик карточка инфратузилмасининг кенгайиб боришидан юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ҳам манфаат топмоқда. Бугунги кунда 73 мингдан ошиқ тадбиркорлик тузилмаси ўзларининг ички хўжалик эҳтиёжлари учун товар ва хизматларни сотиб олиш ҳамда хизмат сафари харажатлари бўйича тезкор ҳисоб-китобларни амалга оширмоқдалар. Корпоратив карталар хўжалик субъектларига дам олиш кунлари ёки банк иш кунидан ташқари пайтда ҳам терминаллар орқали тўловларни амалга ошириш имконини беради.

Банклар фаолиятида инновацион технологияларнинг дадил жорий этилиши бу нафақат банкларнинг мижозлар учун рақобатини англатади, бу банк фаолият юритаётган ижтимоий ва иш муҳитини янгича фикрлашга даъватдир. Пластикларнинг муомалага киритилиши билан янги хизматлар турларини жорий этишга, мижозлар билан янгича тусда муомала қилишга имконият яратилди ва банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар сони ортиб боришига шароит ҳозирламоқда. Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, 64 мингдан ошиқ мижозлар интернет-банкнинг ва “банк-мижоз” дастурий мажмуаси хизматларидан, 530 мингдан зиёд мижоз мобиль-банкнинг ва sms-банкнинг хизматларидан фойдаланмоқда.

Пластик карточкалардан фойдаланиш инфратузилмасини янада кенгайтириш мақсадида ҳозирги пайтда Марказий банк томонидан “Чакана тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш клиринг тизимини яратиш ҳамда хизмат кўрсатувчиларнинг биллинг тизими билан интеграллашуви” лойиҳасининг иккинчи босқичи амалга оширилмоқда. Биринчи босқичда Марказий банк ҳузурида Ҳисоб-китоб банкни ташкил этиш ва банк мижозларининг мажбуриятлари бўйича банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини тўғридан-тўғри дебетлаш механизми йўлга қўйилди.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида Клиринг тизими билан Давлат солиқ қўмитаси ахборот тизими, “Ўзбекэнерго” ва “Ўзтрансгаз” акциядорлик компаниялари, “Beeline” мобил алоқа операторининг биллинг тизимлари интеграция қилиниб, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, электр ва газ истеъмоли бўйича тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш имконияти яратилди.

Ҳозирги пайтда Клиринг тизими фаолиятини кенгайтириш учун “Ўзтелеком”, “Uzonline”, “Uzmobile”, “Ucell”, “Perfectum Mobile” телекоммуникация корхоналари, “Сувсоз”, “Иссиқлик қуввати”, “Махсустрас” унитар корхоналари биллинг тизимлари билан уланиш борасида тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, тижорат банклари томонидан Молия вазирлиги билан биргаликда бюджет ташкилотлари ишчи-хизматчиларининг иш ҳақи қайдномаларини UzASBO дастуридан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатувчи банкда очилган Uzcard EMV пластик карталарига электрон шаклда юбориш имконини берувчи янги тизим яратилмоқда.

Бу сира лойиҳалар ижроси пировардида мамлакатимизда пул айланмасини янада жадаллаштириб, тўлов тизимини мустаҳкамлаб боради.

Банклараро тўлов тизими банklar ўртасидаги миллий валюта (сўм)да электрон тўловларни банklarнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга ошириш учун мўлжалланган.

Банклараро тўлов тизимининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими қўйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади:

- Ўзбекистон Республикаси "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонуни (21.12.1995 й., № 154-I)
- Ўзбекистон Республикаси "Банklar ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуни (25.04.1996 й., № 216-I)
- Ўзбекистон Республикаси "Электрон тўловлар тўғрисида"ги Қонуни (16.12.2005 й., № ЎРҚ-13)
- "Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Низом (14.02.2006 й., № 1545)
- "Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида"ги Низом (03.06.2013 й. № 2465)

Банклараро тўлов тизими Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шахсий мулки ҳисобланади.

Марказий банкнинг Ахборотлаштириш Бош маркази ва Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар маркази банklarаро тўлов тизимининг


иштирокчилари ҳисобланади. Банклараро тўлов тизимининг фойдаланувчилари Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар марказида вакиллик ҳисобварағига эга бўлган банклар ва молиявий институтлар ҳисобланади.

Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар маркази (кейинги ўринларда — МБ ҲҚМ) — бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармасининг Ҳисоб, ҳисобот ва ҳисоб-китоблар бошқармаси бўлими бўлиб, унинг вазифасига тижорат банкларининг бош офисларига вакиллик ҳисобварақларини очиш ва хизмат кўрсатиш ҳамда улар ўртасида электрон тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш киради.

Марказий банкнинг Ахборотлаштириш Бош маркази (кейинги ўринларда — АБМ) — амалдаги қонунчилик ҳамда АБМ ва банклар ўртасидаги шартномаларга мувофиқ банклараро тўлов тизимининг техник, дастурий ва эксплуатацион хизматларини таъминлайдиган марказ.

Банклараро тўлов тизимининг иштирокчилари ва фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ва хизмат кўрсатиш учун фойдаланувчи банкларнинг МБ ҲҚМ билан, банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловлар ўтказиш учун эса — АБМ билан тузилган икки томонлама шартнома асосида тартибга солинади.

Электрон тўлов ҳужжатларнинг ўтиш схемаси



2.1.чизма. Электрон тўлов ҳужжатларининг ўтиш схемаси

Электрон тўловлар банклардан фақатгина вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиғи доирасида амалга оширилади, агарда МБ ҲҚМ ва банк ўртасидаги шартномада бошқа ҳолат келишилмаган бўлса.

Соат 9-00 дан 16-00 гача — банклараро ҳисоб-китоблар бўйича электрон тўлов ҳужжатлар (кейинги ўринларда — ЭТХ)ни узатиш - қабул қилиш - назорат қилиш вақти.

1) Банклар мазкур даврнинг ҳар қандай вақтида МБ ҲҚМга ЭТХларни узатишлари мумкин.

2) Жўнатишга мўлжалланган ЭТХ назоратдан ўтади, банкнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади, шифрланади ва банк телекоммуникация тармоғи бўйича МБ ҲҚМга бундан кейинги қайта ишлашлар учун узатилади.

Соат 17-00 гача Республика бюджети ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг тегишли ҳисобварақларига маблағларни ўтказиш бўйича ЭТХларни узатиш амалга оширилади. Бунда соат 16-30 гача тижорат банклари ўртасидаги, соат 17-00 гача эса — тижорат банкларидан

Марказий банк ҳамда Халқ банкига, шунингдек Марказий банкдан юборилган ЭТХларни қайта ишланилиши якунланади (2.1-чизма).

Соат 17-00 дан АБМ банкларга куннинг якунланиши ва яроқсиз (брак) деб топилган ЭТХлар тўғрисида (ташаббускор банк ва бенефициар банк бўйича) хабарнома жўнатади.



2.7. Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар сони

Шундан кейин АБМда “Куннинг якунланиши” босқичи амалга оширилади. МБ ХҚМда қуйидагилар “Куннинг якунланиши” босқичини бажарилишининг шартлари ҳисобланади:

- банклардан ЭТХни қабул қилиш вақтининг тугаши;

- МБ ҲҚМга узатилган барча ЭТХ қайта ишланган ва банкларнинг тегишли вакиллик ҳисобварақларида акс эттирилган бўлиши керак.

Банкларда “Куннинг якунланиши” босқичининг вақти банкнинг ички тўлов тизими қоидаларига мувофиқ мустақил равишда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредитни бошқариш хусусият (параметр)ларидан келиб чиққан ҳолда, банклараро ЭТХларининг ўтказиш вақтини тўлов тизими масалаларини назорат қилувчи раис ўринбосарининг ёзма фармойишига асосан узайтириши мумкин. Бу ҳақда тизим қатнашчилари ва фойдаланувчилари ЭТХга ишлов бериш вақтининг тугашига бир соат қолгунига қадар кечиктирилмасдан хабардор қилинади.

Хулоса ва таклифлар

Битирув малакавий ишда амалга оширилган таҳлиллар ва тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, қуйидаги илмий-назарий хулосалар олинди:

1. Халқаро банк амалиётида нақд пул муомаласини такомиллаштиришда иқтисодий ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳисоб-китобларни пластик карточкалар асосида амалга ошириш афзаллигини кўрсатди. Берилган таърифлардан маълум бўлдики, иқтисодчи олимлар банкларнинг Ҳисоб-китобларни нақдсиз шаклда амалга оширишга ўтиш банкларни банкноталар чоп этиш, ташиш, санаш, қоғозбозлик каби серхаражат ишлардан халос этиш, нақд пул муомаласи барқарорлигини сақлаш баробарида иқтисодиётни зарур инвестицион ресурслар билан таъминлайди, тегишли идораларнинг жисмоний ва юридик шахслар устидан назорат қилишини чеклайди.

2. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида пластик карточкалар инфратузилмасини кенгайтириш ҳисобига муомаладаги нақд пуллари камайтириш сиёсати юритилмоқда. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги тўловларнинг электрон ҳамёнлар ёрдамида амалга оширилиши натижасида иш ҳақларининг нақд пулда берилиши тобора қисқариб бормоқда. Масалан, иш ҳақлари ҳозирги пайтда Англия ва Францияда 10, Германияда атиги 5 фоизи нақд пулда тўланмоқда.

3. Марказий банк пул массасини бошқаришда иқтисодий ўсиш барқарорлигига шароит яратадиган, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини кенгайтириш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга оширди. Мамлакатимизда қайси банк хизмат кўрсатишидан қатъи назар, барча савдо шохобчаларида пластик карточкалар ёрдамида ягона тартибда банк операцияларини ўтказиш имконини берувчи замонавий банк технологиялари ишлаб чиқилди.

4. Банк тизимининг молиявий барқарорлиги ва ривожланиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги ПҚ-1464-

сонли Қарори билан тасдиқланган индикаторлар тизимига асосан таҳлил қилинганда, банк тизимининг барча кўрсаткичлари «юқори даражада»ги индикатор баҳоларига мувофиқ келмоқда.

5. Пластик карточка эгалари ундан универсал тўлов воситаси сифатида фойдаланиб, кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ-овқат ва маиший маҳсулотлар, пуллик, шунингдек, коммунал хизматлар учун тўловларни ҳар қандай масофадан туриб, исталган вақтда амалга оширишлар мумкин. Бундай қулайлик савдо ва сервис соҳаларидан тушумлардаги улушни 50 фоизга етказиш, охирги беш йил мобайнида эса бутун тўловлар ҳажмини 3 марта ошишига шароит яратди. Таъкидлаш ўринлики, ҳозирги пайтда ҳар ойда ўртача 1,8 трлн сўмдан ортиқ товарлар ва хизматлар, шунингдек, 187 млрд сўм миқдоридаги коммунал тўловлар электрон тизимлар орқали амалга оширилмоқда.

6. Банк инфратузилмасининг кенгайиб бораётганлиги, ўз навбатида, молия бозорида рақобат муҳитининг кучайиши ҳамда банк хизматлари сифатининг янада ошишига хизмат қилмоқда.

7. Мамлакатимиз банкларининг барқарор мавқеи банк тизимида бўлган ишончнинг, хусусан, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк депозитларида сақланаётган бўш пул маблағлари ҳажмининг барқарор юқори суръатларда ошиб боришига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, аҳоли даромадларининг барқарор ўсиб бораётганлиги, аҳолига хизмат кўрсатишнинг услуб ва механизмларининг такомиллашиши, омонатларнинг ишончли сақланишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда аҳоли омонатлари тўлиқ қайтарилишининг давлат томонидан кафолатланганлиги тижорат банклари ресурс базасининг мунтазам равишда ошиб боришини таъминламоқда.

8. Банклар фаолиятида инновацион технологияларнинг дадил жорий этилиши бу нафақат банкларнинг мижозлар учун рақобатини англатади, бу банк фаолият юритаётган ижтимоий ва иш муҳитини янгича фикрлашга

даъватдир. Пластикларнинг муомалага киритилиши билан янги хизматлар турларини жорий этишга, мижозлар билан янгича тусда муомала қилишга имконият яратилди ва банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар сони ортиб боришига шароит ҳозирламоқда.

Битирув малакавий ишида иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Электрон тўловлар соҳасида банк хизматларини такомиллаштириш, унинг мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ролини оширишга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Банклар фаолиятининг аниқ ва холис баҳоланишини таъминловчи тизимининг янги талқинини татбиқ қилишни кўзда тутган ҳолда тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш;

2. Масофавий назорат тизимини бу соҳадаги илғор халқаро тажриба асосида янада такомиллаштириш;

3. Илғор халқаро тажрибага асосланган ҳолда тижорат банкларини стресс-тестлардан ўтказиш амалиётини кенг кўламда жорий қилиш ва ривожлантириш;

4. Тижорат банкларидаги корпоратив бошқарув органлари ролини ва масъулиятини ошириш ҳамда корпоратив бошқарув, таваккалчиликлар ва капитални бошқариш тизимларига белгиланган талабларга риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш.

5. Чакана тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш клиринг тизимини ривожлантириш;

6. Интернет-банкнинг ва “банк-мижоз” дастурий мажмуаси хизматларини, мобиль-банкнинг ва sms-банкнинг хизматлар фаолиятини кенгайтириш;

7. Клиринг тизими билан Давлат солиқ қўмитаси ахборот тизими, “Ўзбекэнерго” ва “Ўзтрансгаз” акциядорлик компаниялари, “Beeline” мобил алоқа операторининг биллинг тизимлари интеграция қилиниб, солиқ ва

бошқа мажбурий тўловлар, электр ва газ истеъмоли бўйича тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш имкониятини кенгайтириш;

8. Клиринг тизими фаолиятини кенгайтириш учун “Ўзтелеком”, “Uzonline”, “Uzmobile”, “Ucell”, “Perfectum Mobile” телекоммуникация корхоналари, “Сувсоз”, “Иссиқлик қуввати”, “Махсустрас” унитар корхоналари биллинг тизимлари билан уланиш имкониятини амалга ошириш.

Бунда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар талабларини ҳисобга олган ҳолда депозит ва омонатларнинг янги жозибадор турларини мунтазам равишда жорий қилиб бориш, тижорат банкларида аҳолидан жамғарма ва муддатли депозитларни қабул қилиш ва муддатида қайтариш шароитларини янада қулайлаштириш ҳамда узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларини чиқариш борасидаги ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда пул айланмасини янада жадаллаштириб, тўлов тизимини мустаҳкамлаб боришга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1995 йил 21 декабрь.
2. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 йил 25 апрель.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги қонун 2002 йил 4 апрель.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари

4. «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги Фармони.
5. «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги Қарори.
6. «Бозор ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 2005 йил 14 июнь.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий- меъёрий ҳужжатлари

7. «Банк тизимини ислоҳ қилишга доир чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январдаги 24-сонли қарори.
8. «Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги 104-сонли Қарори.
9. «Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида» низом, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан, 1998 йил 2 декабрь, 559-сон

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

10. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида Тошкент – «Ўзбекистон», 1995 йил.
11. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция, молиявий барқарорлик тўғрисида. -Т.: «Ўзбекистон», 2005 йил.
12. Каримов И.А. 2012 йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади//Халқ сўзи газетаси. № 14, 20.01.2012
13. Каримов И.А. 2013-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг

муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузаси. //“Халқ сўзи” газетаси. 2014 йил 18 январь.

14. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади.// Халқ сўзи. 18.01.2014 й.

15. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир //Халқ сўзи. 2015. 17 январь №11.

V. Дарсликлар

16. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик/ Ш.З. Абдуллаева. - 2003

17. Абдуллаева Ш.З. Банк ресурслари ва уларни шакллантириш асослари. 1-китоб/ Ш.З. Абдуллаева, Каримов Ф.Ш., К.Н. Наврўзова , У.Д. Ортиқов. – 2004.

18. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш/ Ш.З. Абдуллаева. – 2002.

19. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари фани бўйича магистратура тингловчилари учун муаммоли маърузалар тўплами. Банк иши кафедраси/ Ш.З. Абдуллаева. - 2000

VI. Ўқув қўлланмалар

20. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар/ Ш.З. Абдуллаева . - 2000

21. Абдуллаева Ш.З. Халқаро валюта-кредит муносабатлари. Ўқув қўлланма./ Ш.З. Абдуллаева. - 2004

22. Аверьянова Л.В. Международные банковские расчеты. Учебное пособие по английскому языку./ Л.В. Аверьянова. - 1998

23. Александрова Н.Г. Банки и банковская деятельность для клиентов/ Н.Г. Александрова. - 2002

24. Алексеева В.И. Банковское кредитование/ В.И. Алексеева. - 1998

25. Балабанова И.Т. Банки и банковское дело/ И.Т. Балабанова. - 2001

26. Банки и банковской дело: Учебник для вузов/ Под ред И.Т.Балабанова. - 2003

27. Банки и банковское дело/ Под Ред. Г.Н. Белоглазовой. - 2002

28. Банкноты стран мира: денежное обращение 2001 года. В 2-х и каталог справочник. - 2001

29. Банковское дело./ Под ред. Г.Белоглазовой и Л.Кропивецкой. - 2002

30. Баталов А.Г. Банковская конкуренция / А.Г. Баталов. - 2002

31. Беляков А.В. Банковские риски: Проблемы учета, управления и регулирования./ Беляков А.В.. - 2003

32. Беляков А.В. Банковские риски:проблемы учета управления и регулирования/ А.В. Беляков. - 2003

33. Боровиков В.И. Денежное обращение, кредит и финансы:курс лекций/ В.И. Боровиков. - 2002

34. Вешкин Ю.Г. Банковские системы зарубежных стран:Курс лекций/

Ю.Г. Вешкин, Г.Л. Авагян. - 2004

35. Воронцова В.П. Деньги.кредит.банки.:Учебное пособие./ В.П. Воронцова, С.П. Федосеева. - 2002

36. Галикицкая С.В. Деньги. Кредит. Финансы./ С.В. Галикицкая. - 2002

37. Галицкая С.В. Денежное обращение.Кредит.Финансы(теория и российская практика).Учебное пособие/ С.В. Галицкая. - 2002

38. Гулямов С.С. Деньги.Банки.Кредит.(Учебное пособие для студентов Вузов)./ С.С. Гулямов, Ю.Т. Додобаев. - 2002

39. Деньги, кредит, банки Ценные бумаги: Практикум/ Под Ред. Е.Ф. Жукова. - 2001

40. Деньги,кредит,банки/ Г.Н. Белоглазова. - 2005

41. Деньги.Кредит.Банки./ О.И. Лаврушина. - 2005

42. Деньги.Кредит.Банки:Учебник для Вузов/ Е.Ф. Жуков, Л.М. Максимова, А.В. Печникова. - 2003

43. Жарковская Е.П. Банковское дело/ Е.П. Жарковская. - 2004

44. Иванов А.Н. Банковские услуги:зарубежный и российский опыт./ А.Н. Иванов. - 2002

45. Ильясов С.М. Устойчивость банковской системы: механизмы управления,региональные особенности. Учеб.пособие./ С.М. Ильясов. - 2001

46. Колпакова Г.М. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Учебное пособие./ Г.М. Колпакова. - 2004

47. Коробов Ю.И. Банковский 1 портфель/ Ю.И. Коробов; Книга банкира. Книга клиента. Книга инвестора.. - 1994

48. Лаврушина О.И. Банковское дело: Учебник.2-е изд.Перераб. и доп./ О.И. Лаврушина. - 2003

49. Либерализация банковской системы республики в условиях углубления экономических реформ. Правовые и организационные основы банковской системы Республики Узбекистан:Учебное пособие.Книга 1./ Абдуллаева Ш.З.Арзуманян С.Ю. Муругова И.А.. - 2003

50. Малахова Н.Г. Деньги. Кредит. Банки. Конспект лекций/ Н.Г. Малахова. - 2005

51. Масленников В.В. Зарубежные банковские системы: Науч.изд./ В.В. Масленников. - 2001

52. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: Учебник./ Под.ред.Л.Н.Красавиной.-2-е изд. перераб и доп.. - 2002

53. Миллер Л.Р. Современные денги и банковское дело./ Л.Р. Миллер. - 2000

54.Моисеев С.Р. Международные валютно-кредитные отношения/ С.Р. Моисеев. - 2003

55.Общая теория денег и кредита: Учебник для вузов/ Под ред. Е.Ф.Жукова.. - 2009

56.Ромаш М.В. Финансирование и кредитование инвестиций/ М.В. Ромаш. - 2004

57. Роуз П.С. Банковский менеджмент/ П.С. Роуз. - 2007

58. Рудакова О.С. Банковские электронные услуги.: Учеб.пособия для вузов./ О.С. Рудакова. - 2008
59. Рудый К.В. Финансово - кредитные сестемы зарубеж. стран: Учеб. пособие/ К.В.Рудый. - 2012
- 60.Свиридов О.Ю. Деньги кредит банки/ О.Ю. Свиридов. - 2010
61. Семенюта О.Г. Деньги, кредит,банки В Р Ф : Учеб. пособие/ О.Г. Семенюта. - 2010
62. Тосунян Г.А. Деньги и власть. Теория разделения властей и проблемы банковской системы. 3-е изд., перераб и доп. / Г.А. Тосунян. - 2012
63. Тосунян Г.А. Несостоятел.ность (банкротство) кредитных организаций: Учеб практ. пособие. / Г.А. Тосунян. - 2012
64. Ўзбекистон Республикаси банк тизими/ Ф.М.Муллажонов тахрири остида. - 2013
65. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида валютани тартибга солиш оид меъёрий хужжатларга тўплами. - 2013
66. Финансы и кредит: Учебное пособие/ Под ред. проф. А.М.Кавалевой. - 2003
67. Финансы и кредит:Учебник/ М.В. Романовского, Г.Н. Белоглазовой. - 2004
- 68.Финансы, деньги, кредит: Учебник/ Под ред. О.В.Соколовой. . - 2011
69. Финансы.Денежное обращение.Кредит.Конспект лекций. Пособие для подготовки к экзаменам для студентов всех форм обучения. – 2010.
- 70.Черкасов В.Е. Банковские операции: Финансовый анализ/ В.Е. Черкасов. - 2001
- 71.Чернова В.Э. Финансы, денежное обращение и кредит: Конспект лекций./ В.Э. Чернова. - 2010
- 72.Чиликина З.Н. Анализ финансовой отчётности предприятий при их инвестировании и кредитовании (на основе бух. учёба) . / З.Н. Чиликина. – 2011.
73. Шелопаев М. Финансы.денежное обращение и кредит. Крат-кий курс лекций./ М. Шелопаев. - 2013
74. Шербакова Г.Н. Банковские системы развитых стран/ Под ред. Г.Н.Шербакова. – 2011

VII. Интернет сайтлари

75. www.cbu.uz
76. www.microfinance.uz
77. www.uzreport.com
78. www.banking.com
79. www.cep.uz